



Неъматулло
МУҲАМЕДОВ

Неъматулло МУҲАМЕДОВ

ҲАСТИМОМ— АБҲ БАКР ҚАФФОЛ ШОШИЙ ТАРИХИ

Тарих фанлари номзоди, доцент. 1970 йилда туғилган.
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Филология
факультети араб бўлимини битирган (1997 йил).

Тошкент ислом университети кундузги аспирантурасини
тамомлаган (2004 йил).

“Шош воҳаси олимларининг ислом илмларида тутган
ўрни (X–XII асрлар)” мавзуида номзодлик диссертациясини
ҳимоя қилган (2005 йил).

“Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси”
(2007 йил), “Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё
илм-фани ва маданиятида тутган ўрни” (2011 йил) моно-
графиялари чоп этилган.

У 3 та монография, 5 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-услубий
қўлланма, 6 та китоб ва 80 дан ортиқ илмий мақолалар
муаллифи.

Ҳозирда Шош (Тошкент) олимлари фаолияти ва илмий
мероси бўйича изланишлар олиб бормоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Неъматулло МУҲАМЕДОВ

ҲАСТИМОМ –
АБУ БАКР ҚАФҒОЛ
ШОШИЙ ТАРИХИ

ТОШКЕНТ
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»
2018

УЎК: 28(092)

КБК: 86.38

М – 96

Муҳамедов, Неъматулло

Ҳастимом – Абу Бакр Қаффол Шоший тарихи /
Н. Муҳамедов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 64 б.

Маълумки, Тошкент (Шош) минтақадаги Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива каби илм-фан ва маданият марказларидан бири саналади. Ўрта асрларда Шош воҳасида ислом илмлари ва маданияти тарихига доир масалалар муаррихлар, тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Ушбу рисолада «Ҳазрати Имом» («Ҳастимом» қисқартирилган шакли) номи билан улуғланган буюк аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший (904 – 977) ҳаёт йўли ва илмий меросига оид тарихий маълумотлар қўлёзма, тошбосма ва бошқа ўрта аср араб манбалари асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, алломани ўз даврида ислом дунёсида машҳур қилган дипломатик фаолиятига доир янги маълумотлар илмий истифодага киритилган. Муҳими, Абу Бакр Қаффол Шоший муқаддас диний китоб – «Таврот»ни кўҳна ибрий тилидан араб тилига ўгириб, нафақат мусулмонлар, балки яҳудийлар наздида ҳам юксак мақомга эришган. «Таврот»нинг таржимасига доир қимматли маълумотлар қўлёзма манбалар асосида берилган.

Масъул муҳаррир:

З. Исломов,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

У. Уватов,

тарих фанлари доктори, профессор

О. Қориев,

тарих фанлари номзоди

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2706-сонли ҳулосаси асосида нашрга тайёрланган.*

ISBN: 978-9943-20-452-2

© Н. Муҳамедов

© «Янги аср авлоди» нашриёти, 2018.

БУЮК ИМОМ ҲАҚИДА СЎЗ

Жаннатмакон юртимиз қадимдан нафақат муслмон оламида, балки жаҳонда илм-фан, маданият, айниқса, исломнинг назарий жиҳатдан ривожланган ўлкаси бўлган. Бу диёрдан етишиб чиққан буюк алломалар оламшумул асарлари билан ўрта асрларда Қуръон тафсири, ҳадис, адаб, калом, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илмларининг турли соҳаларида фундаментал асос яратишган.

Ўзбекистон буюк алломалар етишиб чиққан юрт сифатида дунёга машҳур. Мамлакатимизнинг деярли ҳар бир гўшасида уларнинг номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар ва жой номлари бунга яққол мисол бўла олади.

Зеро, буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилиш хайрли ва муҳим амаллардан саналади.

Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (ISESCO) томонидан мамлакатимиз пойтахти – Тошкент 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Тошкентдаги «Ҳазрати Имом» мажмуаси қайтадан обод қилиниб, янги жомеъ масжиди барпо этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда

ги Ҳастимом мажмуасида Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда. Диёримизда яшаб, фаолият кўрсатган кўплаб буюк аждодларимиз исломни юксак маданият ва цивилизация даражасига кўтаришганини ҳозирги кунда бутун ислом олами эътироф этади. Бу борада Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқларида алоҳида таъкидладилар: *«Марказий Осиё Уйғонии даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуг зотнинг гоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади»*.

X–XII асрларда минтақадаги Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент – ўрта аср араб манбаларида Шош деб номланиб, тафсир, ҳадис, фикҳ, тилшунослик илмларида кўплаб таниқли олимларни етиштириб берган. Бу масканда туғилиб фаолият кўрсатган буюк зотлар, олимлар ўзларига «Шоший» нисбасини олишни шараф деб билишган.

Ана шундай алломалардан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил **Қафғол Шоший**

бўлиб, кўплаб араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуг» маъносини ифодаладиган «Кабир» сўзини қўшиб ёзадилар.

Қафғол Шоший ва унинг илмий фаолияти нафақат Шарқ олимлари, балки Ғарб тадқиқотчиларининг ҳам эътиборини жалб этган. Машҳур немис шарқшуноси К.Броккельман, буюк рус олими В. Бартольдлар алломанинг илмий меросига юксак баҳо беришган.

Кўҳна Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган Қафғол Шоший зиёратгоҳи бевосита у зотнинг номи билан боғлиқ бўлиб, халқ орасида «Ҳастимом» (Ҳазрат Имом) деб аталади. Қафғол Шоший ва унинг ҳаёт йўли ҳақида халқимиз ўртасида турли нақл, ҳикматли сўзлар мавжуд. Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси, тарих фанлари номзоди, доцент Неъматулло Муҳамедов Ҳастимом – Қафғол Шоший ҳаёти ва фаолиятига доир илмий изланишларининг натижаси сифатида ушбу рисола сиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола этади.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

*Рисоладан ҳосил бўлажак са-
вобларни алифбони ўргатган мар-
ҳум азизларим – Ҳикматқори до-
дам, дуогўйим Ҳакимаҳон отин-
ойим ва мунисам онам, хокисо-
рим Турсуноӣхон волидамнинг
руҳи покларига бағишлайман.*

МУҚАДДИМА

Мазкур рисола Тошкентнинг энг қўҳна ва табар-
рук масканларидан бири Ҳастимом зиёратгоҳига
дафн этилган буюк аллома Абу Бакр Қаффол
Шоший фаолияти ва тарихига бағишланган.
«Ҳастимом» сўзи «Ҳазрати Имом» иборасининг
қисқартирилган шаклидир. Маҳаллий халқ Имом
Қаффол Шоший ҳурматидан бу жойни шундай
атаган. Мазкур табаррук маскан азалдан пой-
тахтимизнинг илмий-маданий, диний-маърифий
марказларидан бири бўлган. Зеро, Тошкентда
Шайх Хованд Тоҳур, Занги ота, Хожа Аъламбар-
дор, Юнусхон мақбаралари ҳамда Мўйи Муборак,
Бароқхон, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари,
шунингдек, Тилла Шайх, Намозгоҳ, Хожа Аҳрор
Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ
ислом маданиятининг кўплаб тарихий обидалари
мавжуд.

Тошкент шаҳри ва воҳаси ҳақидаги дастлаб-
ки маълумотлар қадимги Хитой манбалари ва
«Авесто»да учрайди. Милоддан аввалги II аср –
милодий V асрларга мансуб Хитой манбаларида
Тошкент вилояти Лоюени, Юни, сўнгра Чжеше,
Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган.

Қадимий «Қанғ» давлати Хитой ёзма манбалари-
да Тошкент «Кангкия» («Канизюй») номлари билан

тилга олинади. Тохарлар тилида «қанғ» сўзи ҳам
«тош» маъносини англатган. Ўрта аср Хоразмий,
Табарий, Истахрий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд
Кошғарий асарларида келтирилган манбалари-
да Тошкент «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадина-
таш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» номлари билан
аталган.

Ўрта асрларда диёримизга ислом дини кириб
келиши муносабати билан шаҳар номи Шош дейи-
ла бошлаган. Бу ҳақда араб тарихчиси Аҳмад ибн
Зайни Дахлон ўзининг «Футуҳот ул-исломия» ном-
ли асарида «Ислом бу шаҳарга ҳижрий сананинг
95-йилида кириб келган ва араблар уни Шош деб
атай бошлашган», деб ёзган.

Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида бирин-
чи марта шаҳарнинг ҳозирги номини тилга олиб:
«Шош сўзи шу шаҳарнинг туркий номи Тошканд-
дан олинган, яъни «тош қалъа» демакдир». Шунинг-
дек, Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк» аса-
рида Берунийнинг фикрини маъқулайди: «Таркан
– Шош (Тошкент)нинг номи. Унинг асли Тош канд
бўлиб, тошдан қурилган шаҳар демакдир».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да
Тошкент номи устида тўхталиб, «...Тошкент номи-
ни Шош, баъзан Чоч деб ёзадилар», – деб қайд эта-
ди. XVII асрда яшаган қомусий олим Маҳмуд ибн
Вали шундай ёзади: «Шош – Сайхун (Сирдарё)-
нинг у томонига жойлашган шаҳар ва у Туркис-
тон (вилоят)га қарайди... Уни Чоч деб ҳам атайдилар.
Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан
машҳурдир».

Алишер Навоий замондоши Зайниддин Воси-
фий умрининг сўнгги йилларини Тошкентда ўтказ-
ган ва уни жаннатмакон юрт эканини қуйидаги
мисраларда баён этган:

*Тошканд мулкин букун таъриф этай,
Нуқталар шодасин назмга битай.
Бир диёрки, анда сунбули раъно,
Халқин жаҳон айтар мардуми доно.*

*Андоқ бир шаҳарки жаннатмакондир,
Хижолатдин жаннат сийнаси қондир.
Бу кентни ким кўрса асло жилмагай,
Жаннат неъматларин орзу қилмагай...*

Машҳур библиографик олим Ёқут Ҳамавий (1179–1229) эса «Муъжам ул-булдон» китобида: «Кўп уламою фузало етишиб чиққан Шош шаҳри Сайхун дарёсининг ортида, Турк ўлкаларига туташ бўлган ҳудудда жойлашган», – деб таъкидлайди.

Кўҳна Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Ҳазрати Имом зиёратгоҳи пойтахтнинг бош ёдгорлик мажмуаларидан биридир. XVIII аср ўрталарида Тошкент тўрт даҳа – Бешёғоч, Кўкча, Себзор ва Шайхонтоҳур ҳудудий мустақил мавзеларига бўлиниб, алоҳида-алоҳида бошқарилган. Имом Қаффол Шоший зиёратгоҳи ва атрофи бевосита у зотнинг номи билан боғланиб, Ҳастимом деб аталган.

Ҳастимом ўз даврида Тошкентнинг илм-фан, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказларидан бири саналган. Бунга ушбу ҳудуднинг жуғрофий жойлашуви, ирригация иншоотлари – анҳор ва ариқлари гўё қон томирларидек чиройли таралгани сабаб бўлган. Тошкентнинг серсув анҳор ва ариқлари азал-азалдан барчани ҳайратга солиб келган. Тарихий ривоятларга қараганда, бу ўлкада ҳукмронлик қилган Кайхисрав I нинг ўғли Кайковус (айрим манбаларда Калковуз) давридан бери маҳаллий аҳоли асосан заргарлик, маҳсидўзлик, кулолчилик билан донг таратганлар. Ҳудуддан оқиб ўтган анҳор Кайковус номи билан аталган. Кайковус анҳорида шаҳарга зилол сувлар тарала

бошлагач, одамлар чорвачилик, деҳқончилик билан ҳам шугулланиб, боғ-роғлар барпо этадилар. Шу тариқа Ҳастимом ҳунармандчилик, савдо ва илм-фан, маданият маркази сифатида ривожланиб борган.

Ҳастимом хусусида марҳум муфтий Зиёвуддин-хон ибн Эшон Бобоҳон (раҳматуллоҳи алайҳ) шундай ёзиб қолдирганлар: «Имом Қаффол Шоший номлари билан шуҳрат қозонган Ҳастимом ўз замонасида Тошкентнинг диний, илмий, маънавий ва маърифий маркази сифатида донг чиқарган».

Рус шарқшуноси Нил Лыкошин ҳам 1918 йили Тошкентда ташкил этилган Туркистон халқ (мусулмон) университети очилишида аввало, Қаффол Шоший номини эҳтиром билан тилга олган: «Бугун Европа фани Эски Тошкент қисмида гражданлик ҳуқуқига эга бўлган қувончли бир кунда, Тошкент мусулмонларининг маърифати йўлида жонбозлик кўрсатган фидойи, камтар шахснинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Мен шаҳарнинг Себзор қисмида шу номдаги қабристонга дафн этилган Имом Муҳаммад Қаффол Шоший ёки Ҳазрат Имомни эсладим. Бу шахс билан тошкентлик мусулмонлар фахрланишлари ва бугун ўзларининг биринчи устозларини яхши сўзлар билан хотирлашлари лозим...»

Афсуски, шўроларнинг аждодларимиз қадамжо ва зиёратгоҳларига нисбатан ўтмиш қолдиқлари сифатидаги муносабати натижасида бундай масканлар эътибордан четда қолди. Лекин ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзи туғилиб ўсган жой номлари тарихи, урф-одатлари ва маданиятига бўлган меҳр, қизиқиш сўнмади. Истиқлол аждодларимиз қадамжоларини обод этиш билан бирга, уларнинг фаолияти ва илмий мероси бўйича изланишлар олиб боришга кенг йўл очиб берди.

АБУ БАКР ҚАФФОЛ ШОШИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

IX–XII асрлар Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган. Бинобарин, бу минтақадаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Шошдан ҳадис, фикҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар «Шоший» нисбаси (нисбат) билан бутун дунёга танилганлар.

Ана шундай алломалардан бири Қаффол Шошийдир. Ислом оламида Имом Бухорий (810 – 870), Имом Термизий (824 – 892), Имом Мотуридий (870 – 944) каби «имом» даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Қаффол Шоший (904 – 977) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари «Ҳазрати Имом» (Ҳастимом қисқартирилган шакли) деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодаладиган «Кабир» сўзини қўшиб ёзадилар.

Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис «Қаффол»¹ яъни, қулфчи,

¹ Ёқут Ҳамавийнинг хабар беришича, Қаффол Шоший митти қулф ва вазни бир дониқ (ўлчов бирлиги) калит ясаб, кишиларни ҳайратга солган (Муъжам ал-булдон. Байрут: Дор ал-фикр. 5-жилд. Б. 116).

қулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган. Бу ҳақда марвлик машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (1113 – 1167) ўзининг «Ансоб» («Насабнома») асарида шундай ёзади: «Қаффол – қулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший Шош аҳлидан бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қаффол Шошийнинг номи Мағрибу Машриққа ёйилган»².

Араб муаррихи Шамсуддин Заҳабий (1274 – 1348) эса уни нафақат, Мовароуннаҳр балки Хуросон олими сифатида ҳам эътироф этади: «Аллома, луғат, усул, фикҳ имоми Хуросон олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Шоший Шофиъий «Катта Қаффол» номи билан машҳур бўлган. У зот Мовароуннаҳрда ўз даврининг имоми бўлиб, бир неча китоблар мусаннифи бўлган»³.

Қаффол Шоший тўғрисида шундай нақл мавжуд бўлган:

«Бу Абу Бакр қулфсоз фақиҳ»,

«Фикҳ билан қийин қулфлар (масалалар)ни очувчидир»⁴.

Қаффол Шоший ҳижрий 291 (милодий 904) йилда Шошда туғилиб, дастлабки билимни ўз юртида, кейинчалик Мовароуннаҳрдаги мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезиб, бу ерларда ўзидан сал олдинроқ ўтган ва бебаҳо диний-илмий

² Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ансоб. – Байрут., 1980 – 82. 10-жилд. Б. 211.

³ Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Байрут: Муассасат рисола. 16-жилд. Б. 283.

⁴ Қаранг: Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ансоб. 7-жилд. Б. 244-245; 10-жилд. Б. 212.

мерос қолдирган Имом Бухорий, Имом Термизий каби йирик олимлар асарлари билан танишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини эшитади ва ўрганади.

Шунингдек, Абу Бакр Қаффол Шоший Хурсонга бориб, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма, Муҳаммад ибн Исҳоқ Саррож, Умар ибн Муҳаммад ибн Бухайр Самарқандийдан, Ироқда буюк муфассир Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Мусо ибн Абдулҳамид ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Бағовий, ибн Абу Довуд, ибн Соғиддан, Куфада эса Абдуллоҳ ибн Зайдон, Али ибн Аббос Муқониъийдан, Шомда Абулҳамиймдан, Жазирада (Арабистон ярим ороли) эса Абу Аруба Ҳарроний каби катта олимлардан дарс олган ва бошқа табақалардан ҳадислар эшитган⁵.

Шамсуддин Заҳабий «Сийар аълом ан-нубало» («Олижаноб алломалар сийратлари») асарида келтиришича, «Ҳоким айтади: Мовароуннаҳрда усул илми ва ҳадис талаби ила энг кўп сафар қилган олим Қаффол Шоший эди»⁶.

Ўз навбатида, Қаффол Шошийдан ҳам баъзи олимлар ҳадислар эшитишган ва ўрганишган. «Тадвин фи ахбори Қазвин» («Қазвин хабарлари ҳақида битиклар») номли асарда бу хусусда маълумотлар берилган. Ҳижрий 350 (милодий 962) йилдан кейин Қаффол Шоший Қазвин шаҳрига келади. Бу ерда Абу Мансур Қаттон ва шунга ўхшаш олимлар Қаффол Шошийнинг мажлисларида ҳозир бўлишиб, ундан ҳадислар ва баъзи маълумотларни ёзиб олишган.

Шунингдек, Абулаъло Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Муборақфурий (1283–1353)

⁵ Абдулкарим ибн Муҳаммад Рофиъий Қазвиний. Тадвин фи ахбори Қазвин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1987. 1-жилд. Б. 457.

⁶ Сийар аълом ан-нубало. 16-жилд. Б. 283.

«Тухфат Аҳвозий» («Аҳвозий тухфаси») асарида Абу Бакр Қаффол Шошийдан қуйидаги хабарни ривоят қилган: «Қози Ҳусайн ва Абу Саъид Мутаваллий: «Баъзи кишиларнинг хайрлашаётганда салом бериш одати бор. Бу саломнинг жавоби мустаҳаб бўлган. Лекин вожиб эмас. Чунки учрашганда ҳам, хайрлашганда ҳам салом берилади. Абу Бакр Қаффол Шоший бу фикрни инкор этиб, шундай деган: «хайрлашаётганда салом бериш учрашгандаги каби суннатдир. Хайрлашганда саломга алиқ олиш учрашгандаги каби вожибдир». Бу саҳиҳдир, тўғридир⁷.

Қаффол Шоший шеърлар битганлиги тўғрисида ҳам манбаларда маълумотлар бор. Бу борада Тождудин Субкийнинг «Табақот шофиъия кубро» асарида Қаффол Шошийнинг шеърларидан ҳам парчалар келтирилган:

*Бисотим кенг очикдур меҳмонларимга,
Таомим ҳалолдур, келгил ёнимга.
Армугон этамиз неки қўлда бор,
Сирка ва кўкат бор, боқ дастурхонимга.
Кўнгли кенг одамлар бўлгуси мамнун,
Бахилга мутлақо бегараздурман⁸.*

Араб тилининг балогатида битилган ушбу шеърини мисраларнинг мазмун-моҳиятини филология фанлари доктори А.Ирисов шундай таржима қилган: «Кимки уйимга меҳмон бўлиб келадиган бўлса, дастурхоним доимо унинг учун ёзилган бўлади. Кимки менинг дастурхонимдан бирор нарс

⁷ Абулаъло Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Муборақфурий. Тухфат Аҳвозий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 7-жилд. Б. 403.

⁸ Табақот шофиъия кубро. 3-жилд. Б. 155; Абу Абдуллоҳ Ҳалимий. Шуъаб имон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1410 ҳ. 7-жилд. Б. 96.

еса, (билсинки) ундаги барча нозу неъмат пешона терим билан топилган, (яъни) ҳалол бўлади.

Биз бор-будимизни меҳмон олдига қўямиз. Бордию (қўйишга) нарса тополмасак, у ҳолда саб-завот билан сирка қўямиз. Шунда бегараз, кўнгли очиқ одам бўлса, у бунга рози бўлиб кўнади; бордию бахил бўлса, у ҳолда уни мен тузата олмайман»⁹.

Қаффол Шоший шеърлар битганлиги тўғрисида ҳам манбаларда маълумотлар бор. Бу борада Тожуддин Субкийнинг «Табақот аш-шофиъия ал-кубро» асарида Қаффол Шошийнинг шеърларидан ҳам парчалар келтирилган.

Умуман олганда, Абу Бакр Қаффол Шошийнинг Ислом оламидаги обрў-эътибори ва мавқеи, илмий салоҳияти ҳақида ўрта аср араб муаллифлари ўз асарларида алоҳида таъкидлаб ўтишган.

ҚАФФОЛ ШОШИЙНИНГ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Х асрда яшаб, ижод этган Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, усулул фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги асослари), шеърият ва тилшунослик илмлари бўйича қомусий олимлардан бўлгани қатор тарихий манбаларда қайд этилган.

Абу Бакрнинг ҳаёт-фаолияти акс этган маълумотлар асосан ўрта аср араб манбалари Ибн Халликон (608/1211–681/1282)нинг «Вафаёт ал-аъён» («Машҳур кишилар вафоти саналари»), Тожуддин Субкий (1327 – 1370)нинг «Табақот аш-шофиъия» («Шофиъийлар табақалари»), Абу Закариё Нававий (1233 – 1277)нинг «Таҳзиб ал-асмо вал-луғот» («Исм

⁹ Қаранг: Қаффол аш-Шоший // Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б 84-86.

ва сўзларни ислоҳ қилиш»), Умар Ризо Қаҳҳоланинг «Муъжам ал-муаллифин» («Муаллифлар қомуси»), Абу Саъд Самъоний (506/1113 – 563/1167)нинг «Китоб ал-ансоб» («Насаблар ҳақида китоб»), Ёқут Ҳамавий (575/1179 – 626/1228)нинг «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») ва яна бошқа шу каби асарларда келтирилган. У (маълумот)лар бир-биридан қизиқлиги ва ўзгачалиги билан эътиборлидир. Масалан, Қаффол ҳақида сўз юри-тар экан, Ибн Халликон олим таржимаи ҳолининг сарлавҳасидаёқ унинг исми-шарифи ва нисбаларига «имаму асриҳи била мудофаа»¹⁰, яъни, баҳсу мунозараларда ўз асрининг ҳимояга муҳтож бўлмаган ва енгилмас йўлбошчиси» иборасини қўшиб қўйган¹¹. Жумладан, Тожуддин Субкий эса «у замонасининг улуг имомларидан бири, бир қанча илмларда улкан қобилият ва очиққўл эгаси бўлган буюк зотдир»¹² деб таърифлаган.

Шошлик аллома илм-маърифат излаб, дунё кезганлиги қатор манбаларда эътироф этилган. Жумладан, россиялик шарқшунос С.Прозоровнинг таъкидлашича, Абу Бакр Қаффол Шоший илм талабида ислом дунёсининг илмий-маданий марказларига ташриф буюрган, Нишопур ва Бухорода бирмунча муддат яшаб, таниқли олимлардан сабоқ олган. У шофиъийлик мазҳабининг энг йирик намояндаларидан бўлиб, айниқса, фикҳ илмининг машҳур шайхи (учитель шафиъитов) сифатида эътироф этилган¹³.

¹⁰ Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. – Байрут, 1998. 4-жилд. Б. 48.

¹¹ Яминов А. Қаффол аш-Шоший ўрта аср араб манбаларида // Шарқшунослик. 2004. № 12. Б. 76-77.

¹² Тожуддин ас-Субкий. Табақот аш-шофиъия ал-кубро. 3-жилд. Б. 152.

¹³ Прозоров С. ал-Каффал // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М.: Восточная литература, 2000. Вып. 2. С. 45.

Маълумки, усул ул-фиқҳ илми бизнинг диёри-мизда милодий X асрда ишлаб чиқиладиган бошлаган. Шофиъий фиқҳий мазҳаб пешволаридан бўлмиш Қаффол Шоший илк бор бу борада асар ёзганлиги маълум ва машҳурдир. Усул ул-фиқҳ, яъни, фиқҳ асосларини ишлаб чиқишда дастлаб Имом Шофиъий¹⁴ ўзи асар ёзган бўлса-да, бу фаннинг мустақкам пойдеворини қуриб, уни тараққий эттирган шахс Қаффол Шошийдир¹⁵.

Қаффол Шоший машҳур олим ва тарихчи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 923), Абу Бакр ибн Хузайма (ваф. 933), Абу Бакр Муҳаммад Боғандий, Абу Зайд Марвазий ва бошқалардан фиқҳ илмини ўрганган.

Йирик тарихчи Абу Саъд Самъоний Абу Бакр Қаффол Шоший илм талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом, Суғур (Шимолий Сурия)га сафар қилганлигини таъкидлаб, унинг устозлари сифатида Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма, Абулаббос Муҳаммад ибн Исҳоқ Саррож, Абулқосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Бағавий, Абу Аруба Ҳусайн ибн Моъшар Сулламий, Абулжаҳм Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Тилаб Машғаройларни кўрсатади¹⁶.

Абу Бакр Қаффол Шоший дунё кезиб, бир неча олимлардан нафақат таълим олган, балки ўзи ҳам илм ўргатган. Шунинг учун шошлик аллома қомусий илмлар билимдони сифатида шуҳрат қозонган. Айни пайтда, у ўз даврининг муҳандиси бўлган. Бу унинг «Қаффол» (қулфсоз) номидан ҳам кўриниб турибди.

¹⁴ Қаранг: Абу Абдуллоҳ ибн Идрис Шофиъий (767–820) – суннийликдаги шофиъия мазҳабининг асосчиси ва имоми, илоҳийчи фақиҳлардан бири. (Ислом, справочник (маълумотнома). М.А. Усмонов таҳрири остида. – Т.: 1986. Б. 283)

¹⁵ Абдулваҳҳоб Халлоф. Усул ул-фиқҳ (Арабчадан Саломхиддин Муҳиддин таржимаси). – Т., 1997. Б. 3

¹⁶ Ал-Ансоб. 10-жилд. Б. 211–212.

Энди алломанинг илмий-маънавий меросига тўхталадиган бўлсак, унинг қаламига мансуб 9 та асарлари мавжуд эканлиги аниқланди. Шундан иккитаси шарҳ бўлиб, биттаси Имом Шофиъийнинг машҳур «Рисола» асарига ёзилган. Иккинчиси Абулаббос Аҳмад ибн Ёқуб ибн Қос Табарий (ваф. 335)нинг «ат-Талҳис фил-фуруъ» («Фуруъдаги қисқартма») асарига ёзган шарҳидир. Шошлик алломанинг асарлари тўғрисида ўрта аср араб манбаларида алоҳида қайд этилган. Жумладан, «Имом Абу Бакр Қаффол Шошийнинг кўплаб асарлари мавжудки, ҳеч бир киши ҳали шунча асарларни тасниф этмаган, – деб ёзади Шайх Исҳоқ Шерозий. – Қаффол Шоший фақиҳлар ичида биринчи бўлиб «ал-Жадал ал-ҳасан» («Яхши баҳс-мунозара») бўйича асар ёзган. Шунингдек, унинг «Китоб фи усул ал-фиқҳ» («Фиқҳ асослари бўйича китоб»), «Шарҳ ар-рисола» («Рисола шарҳи») асарлари бор»¹⁷.

Юқорида айтганимиздек, фиқҳ илмини ривожлантиришда Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос Шофиъий (767 – 820)нинг хизматлари катта. Унинг «Рисола», «Умм» асарлари ислом оламида машҳурдир¹⁸.

Ҳожи Халифанинг таъкидлашича, Имом Шофиъийнинг «Рисола аш-шофиъий фил фиқҳи ало мазҳабиҳи» («Ўз мазҳаби фиқҳи ҳақида Шофиъий рисоласи») асари машҳур бўлиб, уни Имом Шофиъийдан бир жамоа кишилар ривоят қилишган ва бу асарни шарҳлашда ўзаро баҳслашишган. Бу китобни Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Шайбоний Нисобурий (ваф. 388), Абулвалид Ҳассон ибн Муҳаммад Қураший Умавий (ваф. 349) ҳамда Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али

¹⁷ Табақот аш-шофиъия ал-кубро. 3-жилд. Б. 152; Сийар аълом ан-убало. 16-жилд. Б. 284.

¹⁸ Қаранг: Шофиъий // Ислом энциклопедия (А-Ҳ). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. Б. 274.

Қаффол Кабир Шоший (ваф. 365) ва бошқалар шарҳлаган¹⁹.

Шунингдек, шофиъия олимларидан Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ибн Қос Табарий Шофиъий (ваф. 335) қаламига мансуб «ат-Талҳис фил фуруъ» («Фуруъдаги қисқартма») асар ёзган. Бу асар ҳажми кичиклиги ва вазни енгиллигига қарамай, усул ва фуруъларни жамлаган асардир. Унинг бир қанча шарҳлари бўлиб, улар орасида Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Қаффол Шоший шарҳи ҳам бор²⁰.

Имом Нававий хабар беришича, Қаффол Шошийнинг бир неча асарлари мавжуд. У биринчи бўлиб, жадал (баҳс-мунозара) бўйича асар ёзган²¹.

Имом Нававий ҳам «Қаффол Шоший жадал илми бўйича биринчи китоб таълиф этган зотдир. Шайх Абу Исҳоқ ўз «Табақот»ида зикр қилишича, бирон бир киши Қаффол Шошийдек кўп китоб тасниф этган эмас. Бундан ташқари, у «Усул ал-фикҳ» асари ва Имом Шофиъийнинг «Рисола»сига шарҳ ёзган», деб таъкидлаган²².

Кўриниб турибдики, Қаффол Шошийни ўз даврининг олимлари ҳам буюк аллома сифатида эътироф этишган. Қаффол Шоший калом илмини Ашъарийдан ўрганган. Бу ҳақда Тожуддин Субкий шундай ёзган: «Қаффол калом илмини Ашъарийдан ўрганган. Ашъарий эса ундан фикҳ илмини ўрганган... Қаффол Шоший каломни катта ёшга етганида олган, яъни, ўрганган ва Ашъарий мартабасига кўтарилган. Шунингдек, у Ашъарийдан таълим олар чоғидаёқ улуг даражага кўтарилган эди»²³.

Демак, тафсир, ҳадис, фикҳ, усул ал-фикҳ, қиёс, калом каби бир неча илмларни мукаммал эгаллаган аллома жадал, яъни, баҳс-мунозара ҳақида асар ёза олар экан. Кўплаб илмларнинг билимдони, қомусий олим Абу Бакр Қаффол Шоший шунинг учун ҳам фақиҳлар орасида биринчи бўлиб жадал бўйича асар битган. Афсуски, мамлакатимиз китоб хазиналарида унинг бу гўзал асари мавжуд эмас.

Абу Бакр Қаффол Шошийнинг яна бир асари «Адаб ал-қози» (тўлиқ номи – «Адаб ал-қози ала мазҳаби аш-шофиъия, яъни, «Шофиъий мазҳабидаги қозининг одоби») деб номланади. Ҳожи Халифанинг таъкидлашича, худди шу номда Абулаббос Аҳмад ибн Қос Табарий (ваф. 335), Абу Саъид Ҳасан ибн Аҳмад Истахрий (ваф. 328)лар ҳам асар тасниф этишган. Лекин улар орасида Қаффол Шошийнинг асари машҳур бўлиб кетган²⁴.

Ҳожи Халифанинг хабар беришича, Абу Бакр Қаффол Шоший «Вузуъи қози ала мазҳаби шофиъий» (Шофиъий мазҳабидаги қозининг таҳорати) деган номда асар ҳам ёзган²⁵.

Тарихчи Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг зикр қилишича, Қаффол Шоший «Далоил ан-нубувват» («Пайғамбарлик далиллари»), «Маҳосин аш-шариа» («Шариат гўзалликлари») асарларини ҳам таълиф этган²⁶. Имом Нававий эса «мен Қаффол Шошийнинг юрак(қалб)дан ёзилган «Далоил ан-нубувват» китоби ва «Маҳосин аш-шариа» катта китобини кўрганман»²⁷ деб ёзган.

Исмоил ибн Муҳаммад ибн Исфаҳонийнинг айнан шу номдаги «Далоил ан-нубувват» асарида Абу Бакр Қаффол Шошийдан бир ҳадис риво-

¹⁹ Кашф аз-зунун. 1-жилд. Б. 873.

²⁰ Ўша манба. 1-жилд. Б. 479.

²¹ Таҳзиб ал-асмо вал-луғот. 2-жилд. Б. 556.

²² Таҳзиб ал-асмо вал-луғот. 2-жилд. Б. 556.

²³ Ўша манба. Ўша бет.

²⁴ Кашф уз-зунун. 1-жилд. Б. 47.

²⁵ Ўша манба. Ўша жойда.

²⁶ Ас-Самъоний. ал-Ансоб. 10-жилд. Б. 211.

²⁷ Таҳзиб ал-асмо вал-луғот. 2-жилд. Б. 556.

ят қилинган: «Қаффол Шоший Арувба Исҳоқ ибн Шоҳиндан, ундан Абдуллоҳнинг ўғли Холид, ундан Довуд ибн Ҳанда, ундан Умар ва ибн Саъид, Саъид ибн Жубайрдан, бу эса ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги воқеани ривоят қилишган:

«Аздишануа қабиласидан бўлган Замода исмли бир киши ақли заифларни муолажа қилар эди. У Маккага келди ва унинг аҳлидан «Муҳаммад исмли шахс шоир, мажнун, коҳин, сеҳргар экан» деб эшитди. Шундан кейин Замода «Аллоҳга қасамки, шояд, Аллоҳ у кишига маним қўлимдан шифо бера», деди.

Бас, у Расулуллоҳ (с.а.в.)га йўлиқди ва:

– Эй, Муҳаммад! Мен сизга ёрдам бераман. Аллоҳ маним қўлимда бу ақсизлик касалини муолажа қилади, – деди.

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Аллоҳга ҳамд бўлсин, уни мақтаймиз, ундан ёрдам сўраймиз, унга истиффор айтаммиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, адаштиргувчи йўқ. Кимни адаштира, ҳидоят қилувчи йўқ. Ва гувоҳлик бераммизки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Албатта, Муҳаммад Аллоҳнинг қули ва расулидир, – дедилар.

Замода бу сўзларни яна қайтаринг, деди. Расулуллоҳ унга яна такрорладилар.

– Коҳинлар, сеҳргарлар ва шоирларнинг сўзларини эшитганману, лекин сиз айтгандагидек сўзни эшитмаганман. Бу сўзларингиз денгиз тубига ча етиб борди. Исломига киришликка сизга байъат бераман, – деди Замода.

Расулуллоҳ «қавминга ҳам» дедилар. У киши исломга киришлик учун ўзи ва қавмига байъат қилди»²⁸.

²⁸ CD-диск: Ал-Мактабат алфия ли суннати набавия. Исмоил ибн Муҳаммад ибн Фазл ат-Таймий ал-Исфажоний. Далоил ан-нубувват. Риёд: Дор ат-тоййиба, 1988. 1-жилд. Б. 193.

Ҳожи Халифанинг хабар беришича, «Маҳосин аш-шариа фи фуруъи аш-шофиъия» («Шофиъия фуруъларида шарият гўзалликлари») асари муаллифи Қаффол Шоший деб танилган Имом Абу Бакр Муҳаммад Алидир. Ушбу асар ажойиб масалаларни ўз ичига олган. Лекин китобнинг адади жуда кам. Унинг бир нусхаси Қоҳирадаги «Фозилия» мадрасасига 3 жилда вақф қилинган. Асар

الحمد لله الغنى الحميد ذى العرش المجيد

деган мисралар билан бошланган. Қаффол Шошийнинг унда зикр қилишича, китобни шарият далиллари ҳақида сўраганлар учун ёзган²⁹.

Абдулкарим ибн Муҳаммад Рофиъий Қазвиний эса бу борада қуйидаги маълумотларни келтирган:

«Абу Бакр Қаффол Шоший буюк имомлардан ва шофиъий мазҳаби олимларидан эди. Бу зот тафсир, ҳадис, усул ва фикҳ илмларида пешқадам эди ва кўплаб асарлар ёзган. У кишининг «Маҳосин аш-шариа» китоблари бўлиб, унда Расулуллоҳ (с.а.в.) мўъжизаларини бадиий услубда жамлаган. Ушбу китобда 1000 дан ошиқ ҳадислар бор»³⁰.

Шунингдек, узоқ йиллар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси) кутубхонасида фаолият олиб борган марҳум олим Нодирхон Маҳдум Алоуддин ўғли «баъзи муаллифлар «Усули Шоший» китобини Қаффол Шошийнинг асари деб ҳисоблайдилар, аммо биз бу асар диний арбоб, Қаффол Шоший мақбарасига дафн этилган Ни-

²⁹ Кашф уз-зунун. 2-жилд. Б. 1608.

³⁰ CD-диск: Ал-Мактабат алфия ли суннати набавия. Абдулкарим ибн Муҳаммад ар-Рофиъий ал-Қазвиний. Тадвин фи ахбори Қазвин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1987. 1-жилд. Б. 457.

зомуддин Шоший асари деб ҳисоблаймиз. Асарда муаллифнинг номи йўқлиги ҳозирги замон олимларини нотўғри фикрга олиб келган бўлса керак»³¹, – деб ёзган.

Абу Бакр Қаффол Шошийнинг шахсияти ва илмий салоҳияти нафақат ўрта аср Шарқ муаллифлари, балки Ғарб олимлари томонидан ҳам эътироф этилади. Айниқса, немис шарқшуноси К.Броккельман³² ва йирик рус олими В.Бартольд³³лар Қаффол Шоший илмий фаолиятига юксак баҳо беришган. Унинг араб адабиётида тутган ўрни ҳақида баён қилишган.

Хулоса қилиб айтганда, Қаффол Шоший қомусий олим сифатида ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни чуқур билганлиги туфайли илм-фаннинг қатор соҳалари ривожига салмоқли ўрин эгаллайди.

«ЖАВОМИЪ АЛ-КАЛИМ» АСАРИ ҲАҚИДА

Қаффол Шоший илмий меросида «Жавомийъ ал-калим» («Қисқа иборали ҳадислар тўплами») асари етакчи ўринни эгаллайди. «Жавомийъ ал-калим» китоби Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший қаламига мансуб бўлиб, унда Имом Бухорий шарҳи мажмуаларидаги Расулуллоҳ (с.а.в) калималаридан тўпланган»³⁴. Ушбу асар қўлёзмасининг фото нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида В-977 рақам остида сақланади.

³¹ Нодирхон ибн Алоуддин. Қаффол Шоший ва унинг фаолияти / Совет Шарқи мусулмонлари 1971. № 3-4. Б. 10.

³² Қаранг: Brockelmann C. Geschichte der arabischen Literatur, I. WeimarBerlin, 1898. S. 307.

³³ Қаранг: Бартольд В. Сочинения. М.: 1963. т. II. С. 237; т. III. С. 220.

³⁴ Кашф уз-зунун. 1-жилд. Б. 611.

Марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари 1970 йили Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланадиган «Жавомийъ ал-калим» асарининг қўлёзмаси (32 саҳифадан иборат) фото нусхасини олиб келганлар. Мазкур асар узоқ йиллар давомида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бир неча лавозимларда ишлаган ва ҳозирда нафақада бўлган Абдуқаҳҳор Шоший томонидан 2012 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб, «Мовароуннаҳр» нашриётида чоп этилган.

Қаффол Шоший «Жавомийъ ал-калим» асарининг аҳамияти тўғрисида қўлёзманинг муқаддима қисмида шундай ёзган: «Дарҳақиқат, пайғамбар сўзлари ва шаръий одобларда маъсумлик билан қувватланган, баён ва ҳикмат билан таъмин этилгани (яъни, пайғамбар томонидан келганлиги ва айтилганлиги) туфайли орифлар қалбларига ёруғлик ва қўрқадиганлар дардларига шифо бордир. Чунки, ул зот ҳидоятга чақиради, кўр кўзларни очади, (Қуръонни) ўз ҳавоси (хоҳиши) билан сўзламайди. Аллоҳ унга (пайғамбар) ўзи танлаб олган бандалари ичида барчасидан кўра афзалроқ салавот юборсин!»

Шунингдек, асарнинг хусусиятини муаллиф қуйидагича таърифлайди: «Бу китобимда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари ичида эшитганларимдан мингта сўз (калима) тўпладим. Уларнинг тузилиши мураккабликдан холи, маънолари чигалликдан йироқ, пайғамбар ҳидояти билан қўллаб-қувватланган ва тарбияланганлиги сабабли фасиҳларнинг фасоҳатидан ва балоғат аҳлининг балоғатидан устундир. Мен уларни ўзлаштириш ва эслаб қолишни осонлаштириш мақсадида бири иккинчисининг кетидан келадиган, иснодлари олиб ташланган, сўзларнинг яқинлигига кўра бобларга бўлинган ҳолда келтирдим».

«Жавомиъ ал-калим» асарида Қаффол Шоший ҳадисларни қуйидаги ҳолатда келтирган:

*Амаллар ниятларга боғлиқдир.
Маслаҳатгўй омонатдордир.
Карам соҳиби бўлишлик тақводир.
Қуръон дардларга даводир.
Дуо – у ибодатдир.
Аввал салом, кейин калом.
Яхши савол илмнинг ярмидир.
Жамоат билан бўлишлик раҳматдир.
Фирқаланиш айни азобдир.*

Қаффол Шоший тўплаган ҳадислар қисқа, лўнда ҳамда маъноларга бойдир. Муҳими, ҳар қандай ўқувчи учун тушунарли шаклда берилган. Айни пайтда «Жавомиъ ал-калим» маърифий ва дидактик аҳамиятга эгаллиги билан бошқа ҳадис тўплamlари ичида ажралиб туради. Шунингдек, Қаффол Шоший асарида берилган ҳадисларда ислом дини аҳкомларидан ташқари одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир ҳикматли иборалар қайд этилган. Ундан халқимиз орасида кенг тарқалган матал, мақоллар, нодир ва қимматли афоризмлар ҳам ўрин олган. Бу эса ҳадисларнинг кенг халқ оммаси учун равон ва тушунарли бўлиши, тарқалишида муҳим аҳамият касб этган.

Саҳиҳ ҳадис тўплamlари ичидан ҳикматли ибораларни саралаб олиш Қаффол Шошийдан катта меҳнат ва машаққатни талаб этган. Ўтироф этиш керакки, ислом илmlари бўйича етук аллома ўзининг яна бир илмий салоҳиятини намоён этиб, «Жавомиъ ал-калим» асарини яратишга муваффақ бўлган. Фикримизнинг исботи сифатида ушбу ҳадислардан баъзиларининг ровий ва иснодларига мурожаат қилайлик:

«Амаллар ниятларга боғлиқдир». Бизга хабарни Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳамидий Суфъндан берган. Унга Яҳё ибн Саъид Ансорий Муҳаммад ибн Иброҳим Таймийдан хабар берган. У Алқама ибн Ваққос Лайсий Умар ибн Хаттоб (розиаллоҳу анҳу) минбарда туриб шундай деганларини эшитганлигини айтган. Умар ибн Хаттоб минбардан туриб, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Албатта, барча амаллар ниятга боғлиқдир. Ҳар бир киши ўз ниятига етгусидир. Бирор киши Аллоҳ таоло ва Унинг Расули (пайғамбари) учун ҳижрат қилса, Аллоҳ ва унинг Расули учун ҳижрат қилганлик савобини топади. Ҳар ким дунё учун ҳижрат қилса – дунёга, аёл учун ҳижрат қилса – аёлга етишгусидир. Бас, нимани ният қилиб ҳижрат қилса, ўшанга етишгусидир», деганларини айтди³⁵.

Ушбу ҳадис саҳиҳ бўлиб, уни Имом Бухорий Моликдан келтирган. Бундан ташқари бу ҳадис бир неча ҳадис тўплamlарида ҳам мавжуд. Қаффол аш Шоший ушбу ҳадисдан бор-йўғи иккита калимани ажратиб олган ва у омма орасида машҳур бўлиб кетган.

«Маслаҳатгўй омонатдордир». Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Тажибий Абу Саъид Аҳмад ибн Донуқо Жамолдан, у Иброҳим ибн Маҳдийдан, у Ҳасан ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад Балхийдан, у Исмоил ибн Муслимдан, у Ҳасандан, у эса Самура ибн Жундубдан Расулуллоҳ (с.а.в.): «Маслаҳат берувчи хиёнатчи эмас, балки омонатдордир (ишончга лойиқдур), зеро, у хоҳласа маслаҳат беради, хоҳласа сукут сақлайди. Агар маслаҳат берса, ўзи ўша аҳволда нима қилса, ўшани маслаҳат беради», дедилар.

Яна бир ривоятда ҳадиснинг давомида шундай дейилган:

³⁵ Саҳиҳи Бухорий. 1-жилд. Б. 3.

«Шунинг учун (маслаҳат берувчи бировнинг сирини сақлашга ишончли бўлганлиги учун) у истаса, маслаҳат беради (омонатни сир тутишга кўзи етса), хоҳласа сукут сақлайди (омонатни сир тутишга кўзи етмаса)».

Мажлислар омонат биландир (уларда айтилган сўзларнинг сир сақланишига боғлиқ).

Бошқа бир ҳадисда:

«Бир одам бир сўзни айтиб бўлганидан сўнг (ҳадиксираб) у ёқ бу ёққа қараб қўйса, демак, унинг сўзи (эшитувчи учун) омонатдир (сирдир)».

Ислом дини таълимотига кўра, бир одамнинг бошқа бир одамга ишониб бериб қўйган пули, моли ва бошқа нарсалари омонат бўлганидек, унинг бошқалар эшитмаслигини назарда тутиб айтган гапи ҳам омонат, яъни сир ҳисобланади. Омонат сўзга хиёнат қилиб, бировнинг сирини фош қилиш ҳам молу дунёга хиёнат қилингани каби қораланади.

Абу Муслим Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Муслим Абу Осимдан, у Ибн Журайждан, у Абдулкаримдан, у Усмон ибн Аффоннинг хизматкоридан, у Абдуллоҳ ибн Маъқилдан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилишларича, Расулуллоҳ «Пушаймонлик (надомат чекиш) тавбадир»³⁶, – дедилар.

Халқимиз орасида «Олтин олма, дуо ол» деган нақл мавжуд. Қаффол Шоший ўзининг «Жавомий ал-калим» асарида «Дуо – у ибодатдир» деган ҳадисни келтиради. Ушбу ҳадис деярли барча муҳаддисларнинг тўпламларида учрайди. Мазкур ҳадис «Сунани Термизий»да қуйидагича берилган: «Ҳаннод Абу Муовиядан, у Аъмашдан, у Заррдан, у Ясий Санъондан, у Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилишларича, пайғамбаримиз (с.а.в.) айтишларича, «Сизларнинг роббингиз менга дуо қилинглари,

дуоларингизни ижобат қиламан», деган. Расулуллоҳ айтадиларки, «Дуо – у ибодатдир. Роббингиз менга дуо қилинг. Дуоларингизни ижобат қиламан» деган. Уни Мансур ривоят қилган»³⁷.

«Жавомий ал-калим»да берилган 1000 дан ошиқ ҳадисларни шарҳлашнинг имкони йўқ. Муҳими, Қаффол Шошийнинг ушбу асари ҳадис илмида катта аҳамиятга эга. Чунки унда берилган ҳадислар кенг халқ оммаси ўрганиши учун жуда равон ва қулай ёзилган.

Қаффол Шоший «Жавомий ал-калим» асарининг муқаддимасида «ҳадис иснодларига бир китоб бағишладимки, уларни билиш учун ўша китобга мурожаат қилинади» деб ёзади. Демак, муаллифнинг ҳадис илмига оид «Жавомий ал-калим»дан бошқа яна бир асари мавжуд эканлиги маълум бўлади. Унда олим ўзи тўплаган 1000 дан ортиқ саҳиҳ ҳадисларнинг ровий ва иснодларини тўлиқ келтирган. Қуйида «Жавомий ал-калим» асарида зикр этилган ҳадислардан айримларини алоҳида мавзулар бўйича ажратиб, ўқувчи эътиборига ҳавола этамиз.

Ислом – маърифат ва эзгулик дини

Дин – эзгуликка даъват ва ёмонликдан қайтаришликдир.

Амалнинг маёғи унинг натижаларидир (унинг натижаларига боғлиқ).

Диннинг маёғи парҳезкорликдир.

Аллоҳдан қўрқиш ҳар бир донишмандликнинг бошидир (асосидир).

Хурсандчиликни сабр билан кутиш ибодатдир.

Ичкилик – гуноҳларнинг мажмуасидир.

Ичкилик барча ёмон ишларнинг онасидир.

³⁶ Муснади Шоший. 1-жилд. Б. 311.

³⁷ Сунани Термизий. 5-жилд. Б. 211.

Зино – қашшоқлик келтиради.
 Ёлгон – сўзнинг офатидир.
 Унутмоқ – илмнинг офатидир.
 Нодонлик – мулойимликнинг офатидир.
 Ҳаддан ошишилик – мардликнинг офатидир.
 Миннат қилишлик – олижаноблик офатидир.
 Канда қилиш – ибодатнинг офатидир.
 Фахрланиш – насл-насабнинг офатидир.
 Мақтанчоқлик – зарифлик (ақллилик) офатидир.
 Исрофгарчилик – сахийлик офатидир.
 Ҳавойи нафсга берилишлик – диннинг офатидир.
 Ҳар бир яхшилик – садақадир.
 Одамлар билан муросаи мадора қилишлик – садақадир.
 Ширин сўз – садақадир.
 Одам ўз обрўсини сақлаши сабабли унга садақа ёзилади.
 Қариндошларга қилинган садақа ҳам садақа ва ҳам силаи раҳмдир.
 Садақа – ёмон ўлимни қайтаради.
 Силаи раҳм – умрни зиёда қилади.
 Пинҳона садақа Парвардигорнинг газабини сўндирди.
 Эзгулик амаллари ёмон ҳалокатдан асрайди.
 Садақа қилувчи киши одамлар ўртасида ҳукм этиладиган кунгача (қийматгача) садақасининг соясида (паноҳида) бўлади.
 Садақа – сув оловни ўчирганидек хатони (гуноҳни) ўчиради.
 Икки неъмат борки, одамлар уни қадрламайдилар: сиҳат-саломатлик ва бўйи вақт.
 Овқатдан олдин қўлларни ювиш фақирликни кетказди ва гўшт кўзни соғломлаштиради.
 Қалблар яхшилик қилган одамни севиш ва ёмонлик қилган одамни ёмон кўриш туйғусида яратилган.

Одоб-ахлоқ – инсоний фазилатлар негизи

Маслаҳат сўралувчи киши омонат сақлагувчидир (ишонч билдирилган одамдир).
 Яхши савол илмнинг ярмидир.
 Каломдан (гапдан) олдин салом (аввал салом, баъдоз калом).
 Раҳбарлик қилувчи гўё қарздор одамдекдир.
 Яъни масъулиятни доимо ҳис этиши зарур.
 Мулойимлик донишмандликнинг бошидир.
 Тонг саҳарда ухлаб ётишлик ризқни қирқади (манъ қилади).
 Жаннат оналарнинг қадамлари остидадир.
 Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.
 Ҳар бир нарсанинг устуни бор, бу диннинг (исломнинг) устуни фикҳдир.
 Фойда келтирмайдиган илм сарф қилинмайдиган хазинага ўхшайди.
 Гўзал хулқ инсоннинг толеъидандир.
 Бу дунёда яхши ишларни қилгувчилар охира-да ҳам яхшиликнинг эгаларидурлар.
 Султон (давлат раҳбари) Аллоҳнинг соясидир.
 Ҳар бир мазлум ундан паноҳ қидиради.
 Уч хил дуо шубҳасиз мустажобдир: мазлумнинг дуо-си, мусофирнинг дуо-си, отанинг фарзанд ҳақиқа қилган дуо-си.
 Қаноат – тугамайдиган бойликдир.
 Омонатга хиёнат қилмаслик ризқ етаклаб келади, хиёнат камбағалликни эргаштириб келади.
 Ўртача тирикчилик баъзи тижоратдан кўра ҳам яхшироқдир.
 Ёлгон қасам молнинг камайиши ва баракасининг кетишига ҳамда унинг ривож топмаслигига сабаб бўлади.
 Ёлгон гувоҳлик берувчи одам қиймат кунда тили оловни ялаган ҳолатида тирилтирилади.

Жаҳолатга қарши маърифат

Ҳаж – ҳар бир куч-қувватсиз одамнинг жиҳодидир.

Аёлнинг жиҳоди эрига чиройли муомала қилиш-ликдир.

Ҳалоллик талаб қилиш ҳам жиҳоддир.

Мўминнинг қони ҳаром (уни ўлдириш мумкин эмас) бўлганидек, унинг молу давлати ҳам ҳаромдир (уни ўғирлаш ёки унга хиёнат қилиш мумкин эмас)

Имон – қотилликнинг кишиандир.

Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, у биродарини ёрдамсиз қолдирмайди ва унга зулм қилмайди.

Жамоат (кўпчилик билан бир томонда бўлиш-лик) саодатдир ва парокандалик (кўпчиликдан ажралиб қолишлик) азобдир (бахтсизликдир).

Хиёнаткорлик жаҳаннам чўғидандир.

Пушаймонлик – гуноҳнинг каффоратидир.

Аллоҳнинг қўли (қудрати) жамоат устидадир (кўпчилик томонидадир).

Ҳийла-найранг ва алдамчилик(нинг жойи) дўзахдадир.

Одамларнинг энг ёмонларидан иккиюзламачиларини (тили бошқа, дили бошқаларни) топасизлар. Улар одамларга гоҳ бу юз билан, бошқаларига бошқа юз билан келадилар.

Хулоса қилиб айтганда, «Жавомий ал-калим» том маънода мўътабар асарлар сирасига киради. Зеро, унда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳикматомуз ибратли сўзлари, ҳадислари ўз ифодасини топган. «Жавомий ал-калим» яъни, «Қисқа иборали ҳадислар тўплами» номидан ҳам маълумки, ундан дини, миллатидан қатъи назар ҳар бир

инсон учун кундалик турмуш ва ижтимоий ҳаётда зарур бўлган одоб-ахлоқ мезонлари, бебаҳо кўрсатмалар ўрин олган.

ҚАФФОЛ ШОШИЙНИНГ ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТИ

Ушбу рисолада шошлик алломанинг дипломатик фаолиятига доир баъзи масалаларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу ҳақда араб муаррихи Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб Субкий (ваф. 1370)нинг «Табақот аш-шофийя ал-кубро» асарида маълумотлар берилган. Айни пайтда, ўзбек олимларидан айримлари, жумладан, Нодирхон ибн Алоуддин, Абдусодиқ Ирисов, Баҳриддин Маннонов³⁸ ва бошқаларнинг илмий мақолаларини қайд этиш мумкин.

Қаффол Шошийнинг дипломатик фаолиятида иккита тарихий воқеани кўриш мумкин ва у қатор манбаларда қайд этилган. Ушбу бирламчи манбаларга таяниб, ҳар иккала тарихий воқеани батафсил ёритиб, таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз:

Биринчи тарихий воқеа – «Усмон Мусҳафи»нинг Тошкентга келтирилиши

Маълумки, Қаффол Шоший ислом дунёсининг турли ўлкаларига илм-маърифат излаб, сафар қилган. Ўз навбатида у тез-тез Ҳаж зиёра-

³⁸ Қаранг: Нодирхон ибн Алоуддин. Абу Бакр Қаффол Шоший ва унинг фаолияти // Совет шарқи мусулмонлари. -1971, -№ 3-4. Б. 9-11; Ирисов А. Қаффол Шоший // Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б. 84-86; Маннонов Б. Қаффол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи. -2004. № 4. – Б. 25-34.

тига Маккага борган ва қайтаётганида Бағдодда бир мунча вақт истиқомат қилиб, ўз билимларини янада оширишга ҳаракат қилиб, у ердаги йирик олимлар билан илмий мулоқотлар олиб борган. Бир гал Қаффол Шоший Бағдодда тўхтаганида нохуш воқеа устидан чиқиб қолади. Бу эса ҳижрий санининг тўртинчи асрига тўғри келиб, Византия императорининг қўмондони Тағфур аббосийлар халифалигига тегишли Шомнинг Шимолий қисми ва Антокияни³⁹ босиб олиб, халифалик пойтахтига ҳам хавф солган эди.

Шарқшунос олим Баҳриддин Манноновнинг ёзишича, ўз вақтида, яъни, IV асрда Рум империясининг⁴⁰ иккига бўлиниб кетиши оқибатида унинг шарқий қисмида қарор топган мустақил Византия империяси⁴¹ X асрга келиб, ўз сарҳадларини қайта

³⁹ Шаҳар номи дастлаб Антиохия бўлиб, унга милоддан аввалги 292 йилда асос солинган. Антиохия Салавкийлар давлатининг пойтахти ҳисобланган. Бугунги кунда Туркия ҳудудидаги Антокия шаҳри ўрнида бўлган. IV–VII асрларда Антиохия Византия империяси таркибига кирган. 637 йили Умар ибн Хаттоб халифалиги даврида Антиохия фатҳ қилинган, шаҳар Антокия деб ўзгартирилган.

⁴⁰ Рим (Рум) империяси (лот. *Imperium Romanum*, қадимги юн. Βασιλεία Ῥωμαίων) – мил. авв 27 йилдан милодий 476 йилгача ҳукмронлик қилган давлат. Рим империясининг давлат бошлиғи император ҳисобланган. Маълум бир муддат империяда республика тузуми ҳам ҳукмронлик қилган. 395 йилда империя ғарбий ва шарқий қисм – Византияга бўлиниб кетган. 476 йилда империя хунн қабилалари томонидан босиб олинган, тарих саҳнасида йўқолиб кетган.

⁴¹ Византия империяси – 395 йил Рим империяси Ғарбий ва Шарқий империяларга бўлиниб кетгач, Шарқий Рим Византия империяси деб номланди. 1453 йил пойтахти Константинопол турклар томонидан босиб олинган, бу давлат ҳам қолади. Византиянинг энг катта шаҳри Константинопол ҳисобланган. Византия империясининг ҳудуди бугунги кундаги Греция, Кичик Осиё, Болқон яриморли, Шимолий Африка ҳудудларига тўғри келган.

тиклаш йўлида катта муваффақиятларга эришадди. Бу давлатнинг таъсир доираси нафақат Болқон ярим ороли ҳамда Шарқий Европанинг маълум қисми, балки Қора денгиз қирғоқлари, Кавказнинг ғарбий қисми, Кичик Осиёнинг шарқигача бўлган жойларда ҳам мустаҳкамланади.

Шундай бир шароитда Константинополь Араб халифалиги тасарруфига ўтган сарҳадларни қайтадан забт этиш, иложи борича уни маҳв қилиш режаларини амалга оширишга киришади. Шу мақсадда олиб борилган жангларда Византия қўшинлари бир неча бор ғалабага эришадилар. Империянинг Бағдод халифалиги билан туташган шарқий чегараларида қатор ҳарбий истеҳкомлар барпо этилади. Улардан энг йириги Тафрика ҳарбий истеҳкоми бўлиб, Византиянинг Бағдод халифалигига қарши олиб борилаётган ҳужумларида иштирок этаётган асосий қўшинлари шу ерда жойлаштирилган эди. Бу жойдан туриб Византия қўмондони Тағфур Бағдод халифалигига қарши ҳарбий ва маънавий хуружларга раҳнамолик қиларди. Византиянинг бу тарздаги хатти-ҳаракатлари учун қулай тарихий шароит вужудга келганди. Чунки Бағдод халифалиги бу вақтга келиб заифлашиб қолган, халифаликда узоқ муддат мобайнида давом этган сиёсий ва ҳарбий зиддиятлар унинг қудратига путур етказган эди. Ана шундай бир тарихий вазиятда Византия империясининг Бағдод халифалиги, умуман исломга қарши хуружлари ҳар тарафлама авж олиб кетади. Шу жараённинг кўринишларидан бири сифатида Тағфур томонидан Бағдод халифасига юборилган ва бизгача етиб келган шеърий мактуб-ультиматум вужудга келган⁴².

Ўша даврда Византия ва Араб халифалигида шеъриятга қизиқиш юксак даражада бўлган. Дав-

⁴² Қаранг: Маннонов Б. Қаффол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи. – 2004. № 4. – Б. 28-29.

латлар ўзаро алоқаларидаги дипломатик ёзишмалар шеърлар ва қасидаларда ўз аксини топган. Византия императори Араб халифалигига дўқ ва пўписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Бағдод халифаси эгаллаб турган ўлкаларни тинчлик билан, осонликча уларга қайтариб беришни талаб қилади. Византия ҳукмдорлари мактубни баландпарвоз чиқиши учун уни араб тилида шеър билан битадилар.

«Ҳошимийлар хонадонидан бўлмиш ҳукмрон халифага» дея аталган шеърий мактуб:

«Биз шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашқ ўлкаси эса ота-боболаримиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз. Мисрни ҳам қиличимиз тиги билан эгаллаймиз. Ҳижоз⁴³, Бағдод, Шероз, Рай⁴⁴, Хуросон, Қуддус, Шарқу Фарб ҳаммасини эгаллаймиз», – деган мазмундаги дўқ-пўписалар билан халифа ва унинг саркардаларига дағдаға солади, уларни айёрлик билан қўрқитмоқчи ва ниҳоят, уларни осонликча қўлга киритмоқчи бўлади. Худди мана шу воқеалар бўлган кезде Қаффол Шоший Бағдод шаҳрида бўлади. У халифаликда иқтидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина қонуншунос, забардаст шоир сифатида танилган эди⁴⁵.

Мумтоз араб тилининг балоғати ва фасоҳатида битилган ушбу шеърий мактубнинг бир неча мисралари марҳум шарқшунос олим Нодирхон

⁴³ Ҳижоз (араб. الحجاز) – ҳозирги Саудия Арабистонининг ғарбий қисми бўлиб, бу ҳудудда мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадина жойлашган.

⁴⁴ Рай (форс. ری) – Эроннинг шимолидаги ҳозирги Техрон яқинидаги шаҳар номи. Рай ва Шероз шаҳарлари ўз даврида илмий-маданий марказлардан саналган.

⁴⁵ Ирисов А. Қаффол аш-Шоший // Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б. 85–86.

ибн Алоуддин томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Қуйида ундан иқтибос келтирамыз:

*Дамашқдур ота-бобомиз юрти,
Унинг заминига мен соҳиб ўзим.
Мисрни фатҳ этгум шамишим билан,
Чексиз саҳроларда кулар юлдузим.
Ундан сўнг Маккага қараб йўл олсам,
Тундек босиб борар ботир қўшимим.
Қуддусга йўл олиб толмасман йўлда,
У ерда тиклагум муқаддас устун...⁴⁶*

Ўша вақтда Бағдодда кўзга кўринган олим ва шоирлар кўп бўлса ҳам, ҳеч ким Тағфурнинг бу таҳдид хатига жавоб ёзишга ботина олмайди. Халифа таҳдид хатига жавоб ёзишни Имом Қаффол Шошийга топширади. У душман хатига жавобан шундай оташин мисраларни битган:

*Қудрат-ла қувдик биз сизни Рум сари,
Туяқуш мисоли қочдингиз нари.
Қочдингиз қонталаш кирпи сингари,
Бизларни Муҳаммад бошлар илгари!
Пайғамбар ҳурмати, қирмадик сизни,
Бизларда бор эди шиддат ва қудрат.
Шом ерин фатҳ этдик бўлиб зарурат,
Мисрни, Қайравон⁴⁷ ва Андалусни⁴⁸ ҳам.*

⁴⁶ Нодирхон ибн Алоуддин. Абу Бакр Қаффол Шоший ва унинг фаолияти // Совет шарқи мусулмонлари. – 1971, -№ 3–4. Б. 9–11

⁴⁷ Қайравон (араб. القيروان) карвонлар дегани – Тунис ҳудудида жойлашган бўлиб, Мағриб мусулмонларининг энг муқаддас шаҳри саналган. 1988 йилда Қайравон ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ёдгорликлари мероси рўйхатига киритилган.

⁴⁸ Андалус (араб. الأندلس) – Пиреней ярим оролидаги ҳозирги Испаниянинг номи. Бу давлат ўрта асрларда (711 – 1492) мусулмонлар қўл остида Андалус номи билан машҳур бўлган.

*Бошингиз мажақлаб, зўр келдик ҳар вақт,
Байтлаҳм⁴⁹, хароба шаҳарлар қатор.
Искандарияда бўлди зафар ёр,
Қуддус⁵⁰ (Урушшолимда) галабамиз бор!
Сизларни енголдик биз мардонавор,
Илм ва ирфонимиз қадимдин машҳур
Сизлар хар сифат тубан бир махлуқ.
Бемаза шеърингиз бўлмагай манзур,
Бизнинг ашъоримиз дурдона мақбул.
Билгувчи одамга бағишлар ҳузур...*

Шубҳасиз, Тағфур таҳдид хати орқали мусулмонларнинг ўша вақтдаги маънавий савиясини билмоқчи бўлган. Имом Қаффол Шошийнинг шеърий мактуби эса унга муносиб жавоб бўлиб,

⁴⁹ Байт-лаҳм (Вифлеем) яҳ. בֵּית לֶחֶם Бейт леҳем (Нон уйи), – Шаҳарга мил. авв. 1350 – 1330 йилларда асос солинган. Вифлеем (Байтлаҳм) – Фаластинда жойлашган шаҳар. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган. Яҳудийларнинг қадимий шаҳарларидан. Вифлеем христианлар учун Қуддусдан кейин иккинчи муқаддас шаҳар ҳисобланади. Инжилда айтилишича, Вифлеемда Исо (а.с.) туғилган (Лука 2:4-7, Матто 2:1-11). Бундан ташқари Библияда айтилишича, бу шаҳарда Довуд пайғамбар ҳам туғилган.

⁵⁰ Иерусалим (Қуддус) (яҳ. יְרוּשָׁלַיִם Йерушалим, اورشليم Урушшолим (Ўрушалйм) араб. القدس Ал-Қудс) – мил. авв. 4500 йилда асос солинган. Иброҳимий динларнинг бешиги ҳисобланади. Қуддус – Ўрта ер денгизи ва Ўлик денгиз ўртасида, денгиз сатҳидан 650 – 840 метр баландликда жойлашган қадимий шаҳар. Қуддус 3500 йилдан ортиқ тарихга эга. Қуддус яҳудийлик, христианлик ва ислом динлари учун муқаддас шаҳар ҳисобланади. Яҳудийликнинг марказий шаҳри. Қуддусда яҳудийлар учун муқаддас Йиғи девори, христианлик дини учун муқаддас Голгофа тоғи, ислом дини учун муқаддас Масжидул Ақсо (Меърожга кўтарилган масжид) ва Қуббатус Саҳро масжидлари бор. Қуддус бугунги кунда Исроил ва Фаластин ўртасидаги низоли шаҳар ҳисобланади. Фаластиннинг расмий пойтахти ҳам Қуддус ҳисобланади. Қуддус 3 та даҳага бўлинган: яҳудийлар, христианлар ва мусулмонлар.

сезиларли зарба бўлиб тушган. Ҳатто, Византия адиблари, коҳинлари ҳам: *«Мусулмонларнинг шундай шоирлари борлигини билмас эканмиз»*, деб тан олишгани жуда эътиборлидир. Бу эътирофни Қаффол Шошийнинг юртдоши шоир Абдумалик ибн Муҳаммад Шоший⁵¹ ҳикоя қилган. Россиялик шарқшунос олим С. Прозоров бу борада шундай маълумот беради: *«Византия императори Никифор Фоки (963 – 969) номидан мусулмонларга юборилган ҳақоратли шеърий мактубга Қаффол Шошийнинг қасидаси юксак даражада ёзилгани византиялик адиблар томонидан эътироф этилган. Кейинчалик асирга тушиб қолган Абдулмалик ибн Муҳаммад Шоший Константинополда бунинг бевосита гувоҳи бўлган»*⁵².

Машҳур мутасаввуф Хожа Убайдулло Аҳрор (1404 – 1490) нинг шогирди Муҳаммад Қози⁵³ (тахминан 1451 – 1516) қаламига мансуб «Силсилат ал-орифин» («Орифлар силсиласи») асарида Ҳазрат Имомнинг дипломатик фаолияти батафсил баён қилинган:

«Биринчи фасл. Ҳазрати Эшон аҳволларининг бошланиши ва Хожагон силсиласининг баёни. Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин.

⁵¹ Абдулмалик ибн Муҳаммад Шоший шоир бўлиб, X асрда тошкентлик машҳур олим ва шоир Қаффол Шоший билан биргаликда Тошкентдан ислом мамлакатларига сафар қилган // Носиров А. Тошканд олимлари ва шоирларига оид материаллар. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди, № 13408, 620-варақ.

⁵² Прозоров С. ал-Каффал // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М.: Восточная литература, 2000. Вып. 2. С. 46.

⁵³ Қаранг: Бабаджанов Б. Мухаммад Кази // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь (Отв. ред. С. М. Прозоров). Вып. 1. М.: Восточная литература, 1998, с. 77-78.

Хожа Калон⁵⁴ қуддиса сирруҳу ҳазратлари нақл қиладиларки, бизнинг хожамиз ҳазратлари, равваҳаллоҳу руҳаҳу, Хожа Маҳмуднинг ўғлидирлар. Хожа Маҳмуд эса Хожа Шаҳобиддиннинг ўғли. Улар уч ёки тўрт восита билан Хожа Муҳаммад Номийга етишадилар. Нақл қилинганки, ушбу Хожа Муҳаммад Номий Бағдоддан бўлганлар. Ҳазрати Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шошийнинг муридларидан бири ҳисобланганлар. У зот эса шофиъия уламоларининг улуғларидандир. Зоҳирий ва ботиний илмларда жаҳон яғонаси ва замона имоми бўлганлар. Айрим улуг зотлар унинг шаънларида айтишларича, ҳеч бир шак-шубҳасиз, у зот ўз даврининг имомидирлар. Унинг тафсири, фатво ва бошқа фанларда махфий қолмаган юксак асарлари мавжуд...»⁵⁵

Хожа Убайдулло Аҳрор номи аксарияти манбаларда «Ҳазрати Эшон» тарзида қайд этилган. Ўрта аср муаррихи Фахрудин Али Сафий (1463 – 1503) ёзишича, Хожа Муҳаммад Номий ота тарафидан Хожа Аҳрорга қариндош бўлиб, асли Бағдоддан экан, айримлар эса у зотни Хоразмлик ҳам дейишади⁵⁶.

Хожа Муҳаммад Номий Ҳазрати Имомнинг хизмати ва мулозаматида Шошга келганлар ва шу ерда яшаб қолганлар. Шайх Абу Бакр Қаффолнинг мақомотларида мазкурки, Ҳазрати Шайх ўз ҳаётларини уч қисмга бўлган эканлар. Бир йили

⁵⁴ Хожа Калон – Хожа Аҳрорнинг невараси бўлиб, унинг тўлиқ исми – Хожа Калон ибн Абдул Боқи ибн Муҳаммад Яҳё.

⁵⁵ Мавлоно Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди, № 6114. – 32 а варақ.

⁵⁶ Қаранг: Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.:Абу Али ибн Сино, 2004. –Б.269–270.

Рум томонларга газотга⁵⁷ кетар эканлар. Ўша вақтларда Рум ҳали ислом шарафига мушарраф бўлмаган экан. Бир йили ҳажга кетар эканлар. Бир йил ўз юртида ўтириб, халқни Ҳаққа даъват қиларканлар. Бу жам қилувчининг ноқис хотирасига шу келадик, ўша вақтда одатларига биноан Рум тарафга кетаётганларида, Хожа Муҳаммад Номийнинг муборак пешоналарида валийлик асарлари ва ҳидоят нурларини мушоҳада қилиб, иродат қайдига олган бўлсалар ва ўзлари билан Шошга келтириб, жойлаштирганлар. Бу нақл дурустроқ кўринади. Бошқа бировлар эса Хожа Муҳаммад Номийни Хоразмдан бўлган, дейдилар. Ҳазрати Имом неча марта газот сабаб бўлиб Бағдодга борганлар. Мана шуниси тўғри ва саҳиҳдир.

Нақлдурки, Ҳазрати Имом Абу Бакр Қаффол Шоший ҳажга кетаётганларида Бағдодга кибрибдилар. Бағдодда катта гавго кўтарилган. Румнинг султони иброний тилида Бағдоднинг подшоҳига нома йўллаган экан. Унинг мазмуни шуки, уч ишдан бирини қилмоқ керак: номага жавоб йўлламоқ лозим ёки мол-дунё бермоқ керак ёхуд жангга тайёр турмоқ керак. Улар билан жанг қилишга куч-қудрат йўқ. Талаб қилган мол-дунёсига яраша миқдорда⁵⁸ мол-дунё топиш қийин. Ноилож, иброний тилда жавоб йўллашга қарор қилибдилар. Бағдоднинг уламо ва фузалоларини тўплаб, тушунтирибдилар. Ҳаммалари номага жавоб ёзишга ожиз қолибди. Рум подшоҳининг элчиси тез номага жавоб ёзишни талаб қилиб туриб олибди. Шу аснода Ҳазрати

⁵⁷ Газот – мусулмонларнинг ғайридинларга қарши уруши.

⁵⁸ Мавлоно Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди, № 6114. – 32 б варақ.

Имом Абу Бакр Қаффол ҳазратларининг шаҳарга келганларининг овозаси тарқаб қолибди. Туркистон вилоятидан улуг донишманд келибди, деган хабар Бағдод подшоҳининг қулогига етказилибди. Элчилар юборилибди, Ҳазрати Имомни эъзоз ва икром билан саройга келтиришибди. Ҳолатни тушунтирибдилар. Рум маликининг иброний мактубини Ҳазрати Имомнинг қўлига тутқазибдилар. «Бунга жавоб ёзмоқ керак!», дебдилар. Нақлдурки, Ҳазрати Имомга кайф билан етмиш икки тил маълум экан. Иброний номага кўз югуртириб чиққанларидан сўнг, «Бале, бунга жавоб ёзаман. Шарт шуки, амир ал-мўъминин Усмон разийаллоҳу анҳунинг Мусҳафларини менга берасиз», дебдилар. Подшоҳ рози бўлмабди. Илтимос қила бошлашибди. Қанчалик кўп илтимос қилсалар ҳам, «Мусҳафни берасизлар, жавобни кейин ёзаман», деб туриб олибдилар. Алқисса, подшоҳ ўз умаролари билан маслаҳат қилиб, мусҳафни бермагунча жавоб ёзмас экан, демак, мусҳафни бермоқ керак, дебдилар. Жавоб ёзганларидан сўнг кўп мол-дунё бериб, мусҳафни қайтариб олаверамиз, агар бермаса, зўрлик қилиб тортиб оламиз, дейишибди. Мусҳафни Ҳазрати Имомга берибдилар. Мусҳаф у зотнинг қўлларига келганидан кейин валийлик нури ила уларнинг нима деб маслаҳат қилганларини сезиб, «Менга ўн кун муҳлат беринглар!», дебдилар. Шундай қилишга рухсат беришибди. Ҳазрати Имом мажлисдан тура солиб, жуда чаққон шогирдини тез чопадиган отга миндириб, қўйнига мусҳафни қўйиб⁵⁹, ўн кун ичида Табризгача⁶⁰ етиб боришинг керак», деб йўлга равона қилибдилар. Ҳамон соат

⁵⁹ Ўша манба. – 33 а варақ.

⁶⁰ Табриз – Эрондаги йирик шаҳарлардан бири бўлиб, Урмия кўли яқинида жойлашган.

ўзлари иброний тилда бағоят гўзал ва хушхат иборалар ила таърифига тил ожизлик қиладиган жавоб мактубини ёзибдилар. Ўн кундан сўнг подшоҳнинг элчиси келибди. Номанинг жавобини сўраган экан, қўйнидан подшоҳнинг номаси билан бирга жавоб мактубини унга чиқариб берибдилар. Ўқибдилар, хос ва авомдан «Аҳсанта!» («Гўзал иш қилибсиз!») деган овозлар чиқибди. Рум подшоҳининг элчиси эса ҳайратга чўмибди. Номанинг жавобини олиб, Рум подшоҳига элтибди. Рум подшоҳи: «мен аниқ биламан. Бу замонда Бағдодда бу номага жавоб бера оладиган бирор кимса йўқ», дебди. Элчи эса унга Туркистон вилоятидан бир донишманд келганини ва бу жавобни ўша ёзганини айтиб берибди. Бўлмаса, Бағдоднинг ўз уламолари жавоб ёзишга ожизлик қилиб турганини ҳам билдирибди. Подшоҳ: «Ҳа, шундай бўлган бўлиши керак», дебди.

Ана ўша даврдан бери мазкур мусҳаф то Хоразмшоҳ Шошни вайрон қилгунгача «Абу Мусо маҳалласи»да сақланиб келар эди. Сўнг йўқолди⁶¹.

Юқоридаги тарихий воқеа ва ҳолатдан кўрииб турибдики, Муҳаммад Қози қаламига мансуб «Силсилат ал-орифин» («Орифлар силсиласи») асарида Ҳазрат Имом ультиматум мактубга жавоб ёзиш учун 10 кун муҳлат сўрайди. Ўз хизмати эвазига Мусҳафи Усмон Қуръонини сўраб, уни қўлга киритгач 10 кун муҳлат ичида чаққон шогирди орқали уни Табризга кузатиб юборгани баён этилган. Мусҳафи Усмон Қуръони Шош (Тошкент)да «Абу Мусо» маҳалласида Хоразмшоҳ Шошни босиб олгунича сақлангани ёзилган. Демак, Мусҳафи Усмон Қуръони Хоразмшоҳ Шошни эгаллаган пайтда Абу Мусо маҳалласидан ғойиб бўлган экан. Ушбу ривоятдан маълум бўлишича, Муҳаммад

⁶¹ Ўша манба. – 33 б варақ.

Қози яшаган даврда (XV аср) Шошнинг Абу Мусо маҳалласи маълум ва машҳур масканларидан бири бўлган бўлса керак, муаллиф уни шаҳарнинг қайси даҳасида жойлашганини кўрсатмаган. Шунингдек, нима учун Мусҳафнинг айнан шу маҳаллада сақланганлигини ҳам баён қилмаган. Келгусида олиб бориладиган тадқиқотларда бу масалага аниқлик киритилади деган умиддамиз.

Муҳими, Қаффол Шоший ўз ҳаётини уч қисмга бўлгани ҳақида Фахруддин Али Сафий «Рашаҳот»ида ҳам зикр этилган: *«Шайх Абу Бақр Қаффол Шошийнинг «Мақомот»ларида мазкурдирким, олар умри азизларининг йилларини уч қисм этиб эрдилар: бир йил Рум тарафига куффор билан газот этмак учун борур эрдилар. Бир йил ҳажжи исломга таважжуҳ этиб, яна бир ўз вилоятларида бўлур эрдилар. Улуми шарият ва тариқат ифодасига машгуллик қилур эрдилар...»*⁶².

Қаффол Шошийнинг ушбу дипломатик фаолиятига рус шарқшуноси Нил Лыкошин (1860 – 1922) ҳам юксак баҳо берган⁶³. У 1918 йилда Тошкентда ташкил этилган Туркистон халқ (мусулмон) университети очилишида аввало Қаффол Шоший номини эҳтиром билан тилга олган: «Бугун Европа фани Эски Тошкентда гражданлик ҳуқуқига эга бўлган қувончли бир кунда, Тошкент мусулмонларининг маърифати

⁶² Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б.269.

⁶³ Лыкошин Нил Сергеевич – асли ҳарбий бўлиб, Туркистон губернаторлиги маъмурияти тизимида бир қанча масъул лавозимларда ишлаган. 1917 йил январда истеъфога чиқиб, 1918–1920 йилларда Тошкентдаги Туркистон халқ дорилфунунида турк тиллари ва этнографияси бўйича дарс берган. У ўлкашуносликка оид 800 га яқин асарлар, Тошкент ҳақида муҳим этнографик маълумотларга эга бўлган.

йўлида жонбозлик кўрсатган фидойи, камтар шахснинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Мен шаҳарнинг Себзор қисмида шу номдаги қабристонга дафн этилган Имом Муҳаммад Қаффол Шоший ёки Ҳазрат Имомни эсладим. Бу шахс билан тошкентлик мусулмонлар фахрланиши керак ва бугун ўзларининг биринчи устозини яхши сўзлар билан хотирлашлари лозим»⁶⁴.

Рус шарқшуноси Қаффол Шошийни биринчи устоз сифатида университет жамоасига таъинлаш эҳсонидан ташқари, алломанинг дипломатик фаолиятига доир тарихий маълумотларни келтилади: *«Бундан 950 йил аввал Тошкентда Имом Муҳаммад Қаффол Шоший фақирона ҳаёт кечирган. Унинг иккита лақабидан бири – «Қаффол» дейилиб, у қулфсоз бўлган. Шоший нисбаси эса асли Тошкентдан эканлигини билдирган. Бу адолатпарвар инсон бутун умрини эътиқод талаб қилганидек, яшаб ўтказган: бир йил Тошкентдан ташиқарига чиқмай, юртдошларига таълим берган бўлса, кейинги йили гайридинлар билан курашиш учун газотга чиққан ва яна бир йил эса ҳажга борган. Алломанинг ҳаёти ва фаолияти шу тарзда ўтган...»*⁶⁵. Бу ҳақда мисрлик тарихчи Тожуддин ас-Субкий (ваф. 1370) ўзининг «Табақот аш-шофиъия ал-кубро» («Шофиъиянинг улуғ табақалари») китобида *«Қаффол Шоший усул, ҳадис илмлари талабида энг кўп сафар қилган олимдир»*, деб таъкидлаган⁶⁶.

Н.Лыкошин фикрларини давом эттирсак, *«Қаффол Шоший илмий сафарларидан бирида*

⁶⁴ Лыкошин Н. Помяните первоучителя // Народный университет. 1918, № 9. С. 1.

⁶⁵ Ўша асар. С. 1.

⁶⁶ Тожуддин ас-Субкий. Табақот аш-шофиъия ал-кубро. Байрут: Дор ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999. 3-ж. Б. 152.

Бағдодга келганида, халифа жуда мушкул аҳволда эди. Халифа билан уруш олиб бораётган турк султони (Византия императори – Н.М.) унга шарт қўйган экан: катта миқдордаги товон (контрибуция)ни тўлаб бериши ёки у билан урушиши лозим эди. Агар бу шартларга рози бўлмаса, унга юборилган мактубни ўқиб, жавоб юбориши керак эди. Дастлабки икки шартни бажариб бўлмасди. Чунки ўша пайтда Бағдод халифаси кўп миқдордаги пул ва катта қўшинга эга эмасди. Хатга эса жавоб бериш осон кўринарди. Лекин хат бағдодлик уламоларнинг бирортаси ҳам ўқий олмайдиган, ҳеч кимга маълум бўлмаган тилда ёзилган эди⁶⁷. Худди шу пайтда Қаффол Шоший Бағдоддаги карвонсаройлардан бирида тўхтаганини ва у кўпгина тилларни яхши билишини халифага етказишади. Шундан сўнг, Қаффол Шоший бу ультиматум шеъринг мактубга жавоб ёзади. Шошлик аллома бу хизмати эвазига Бағдодда сақланаётган кўхна Мусҳафи Усмон Қуръонини сўрайди. Ноилож аҳволдаги халифа бунга рози бўлади... Қаффол Шоший ўзининг шогирди орқали Мусҳафи Усмон Қуръонини Бағдоддан чиқариб юборган... Рус шарқшуноси Қаффол Шоший Қуръоннинг бу нодир нусхасини Тошкентга қандай олиб келганини батафсил ёзган.

Бу ҳақда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаган Шайх Исмоил Махдум ҳам араб тилида ёзган «Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи» асарида қайд этган: «364 ҳижрий йилда вафот қилган Абу Бакр Муҳаммад бин Али Қаффол Шоший Кабир шофи'ий мазҳабининг машҳур уламоларидан бўлиб, ўзлари тугилган Шош (Тошкент) шаҳрида истиқомат қилар эдилар. У зот кўп маротаба ҳажга сафар қилиб, боришда ва қайтишда Бағдодга кириб ўтар эдилар.

⁶⁷ Лыкошин Н. Помяните первоучителя. С. 1.

Аксар илмларини шу шаҳарда олган эдилар. Биргалга сафарларида Бағдодга келсалар, уламоларнинг ниҳоятда саросимада эканлигини кўрадилар. Чунки, Рум подшоҳи Қайсар араб тилида халифага бир ажойиб қасида юбориб, ё шу қасидага муносиб жавоб ёзинглар, ё ҳар йили ўлпон тўлайсизлар ёки урушга тайёрланаверинглар, деб талаб қилган эди. Ўша пайтда уларнинг Рум билан урушишига имконлари йўқлиги ва талаб қилинган ўлпонни тўлаш учун етарли маблағлари бўлмаганлигидан, қасидага жавоб ёзишга мажбур бўлдилар. Бағдоднинг жамики уламо ва фозиллари йиғилдилар. Лекин улар ўша қасидага мос келадиган жавоб ёзишга ожиз бўлиб турган эдилар. Рум элчиси эса уларни шошилтирар эди. Шайх Бағдодга кириб келганларида, турклар юртидан Бағдодга бир забардаст олим келибди, деган хабар тарқалди. Халифа одам юбориб, у киши жавоб қасидаси ёзсалар, эвазига хоҳлаган нарсаларини беришлигини айтади. Шайх рози бўлиб, шундай дейдилар: «Мен бу вазифани сизлар учун адо этман, лекин бир шартим бор. У ҳам бўлса, олдин менга ҳазрати Усмон Мусҳафларини берасизлар». Бирмунча тараддуддан сўнг бу талабга рози бўлдилар ва Мусҳафни шайхга берадилар»⁶⁸.

Ҳозирги кунда Тошкентдаги «Мўйи Муборак» мадрасаси биноси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси махсус кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзма – Усмон мусҳафининг тарихи ва уни юртимизга қандай кириб келганлиги тўғрисида турли манбалардан олинган хабарлар, ривоятлар марҳум Шайх Исмоил Махдум ҳазратлари ёзган рисолада ўз аксини топган.

Маълумки, Ҳазрати Усмон даврида Усмон

⁶⁸ Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи / Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. Т.: Мовароуннаҳр, 1995. Б. 59.

Мусҳафи Қуръони дастлаб 6 нусхада ёзилиб, ислом оламининг турли шаҳарларига юборилган. Расмий талқинга кўра, Усмон Мусҳафи Қаффол Шошийдан сўнг орадан салкам беш аср ўтгач, юртимизга Соҳибқирон Амир Темур томонидан келтирилган. Энди бу алоҳида бир мавзу. Келажақда олиб бориладиган тадқиқотларда бу масаланинг муаммолари илмий нуқтаи назардан очиб берилса, ажаб эмас.

Муҳими, ўша даврда Қаффол Шошийнинг Византия ҳукмдорига ёзган жавоб раддияси Араб халифалиги бошига тушган хавф-хатарни барта раф этилишига сабабчи бўлган. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўша пайтда Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда қанчадан қанча машҳур ва забардаст шоирлар бўлишига қарамасдан Халифа Мутиълилоҳ (946 – 974) томонидан Византия ҳукмдорига раддия ёзишдек ўта муҳим вазифани Қаффол Шошийга топширилиши унинг қанчалик зўр истеъдод соҳиби, аynи пайтда кучли дипломат эканлигини кўрсатади.

Иккинчи тарихий воқеа – Қаффол Шоший «Таврот»нинг таржимони

Имом Абу Бакр Қаффол Шоший ҳазратлари фикҳ, ҳадис ва тилшунослик илмларида забардаст алломалардан бўлган. Омма орасида ва турли ривоятларда Қаффол Шоший 72 тилни билгани тўғрисида маълумотлар учрайди. Муҳими, Қаффол Шоший яҳудийларнинг қадимий иврит (ибрий ёки иброний) тилини ҳам мукамал эгаллаган. У «Таврот»ни араб тилига таржима қилган. Бу ҳақда Хожа Аҳрорнинг муриди, яқин шогирди Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин» асарида тарихий бир воқеа келтирилган:

Нақлдулки, Ҳазрати Имом румликлар билан жанг қилганлар. Ўша жангда ислом лашкари ши-

каст топиб, кўп мусулмонлар қаторида Ҳазрати Имом ҳам асирга тушиб қолганлар. Ҳазрати Имомни Рум подшоҳининг олдига олиб келибдилар.

Подшоҳ унга қараб:

– Сен бу юртнинг одамларига ўхшамайсан. Тўғрисини гапир, қаердан бўласан? – деб сўрабди.

У зот:

– Шош вилоятидан бўламан, – дебдилар.

Шунда подшоҳ:

– Эй, менинг иброний мактубимга жавоб ёзган сен эмасмисан?, – дебди.

Ҳазрати Имом:

– Ҳа, мен ўшаман, дебдилар.

Подшоҳ:

– У ҳолда, менга Тавротни араб тилига таржима қилиб бер. Сени ва барча мусулмонларни озод қиламан ва кўп мол-давлат ҳам бераман, – дебди.

Ҳазрати Имом айтибдилар:

– Яхши, мен бу ишни қиламан. Шартим шуки, Тавротни асли қандай нозил қилинган бўлса, ўша аслидан таржима қиламан. Сизларнинг бу ўқиб юрган Тавротларингиз ўзгартирилган. Мен бунни арабча қилмайман.

Подшоҳ дарғазаб бўлиб:

– Агар бу ишни⁶⁹ қилмасанг, сени жами мусулмонлар билан ўлдираман, – дебди.

Ҳазрати Имом:

– Нима қилсанг қилавер. Мен Тавротдан Ҳақ нозил қилган аслидан бошқасини арабчага ўғирмайман, – дебдилар.

Охири, ўз олимлари ва оқсоқоллари билан маслаҳат қилишиб, рози бўлибдилар. «Сен ўзинг хоҳлаганингни арабий қилиб бера қол! Биз Муҳаммаднинг мадҳи келган жойида, кўзимизни юмиб, ўқимай ўтиб кетамиз», дебдилар.

⁶⁹ Мавлоно Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди, № 6114.– 33 б варақ.

Алқисса, Ҳазрати Имом Малики Аллом бўлмиш Аллоҳ таолога тавба-тазаррулар қилиб, ундан ёрдам сўраган ҳолда, Тавротни арабча қилишга машғул бўлибдилар. Озгина фурсатда мана шундай катта ишнинг уддасидан чиқибдилар ва тамоми Тавротни арабча қилибдилар. Нақлдурки, Тавротнинг ярми бизнинг пайгамбаримизнинг мадҳи бўлган. Унинг ҳаммасини Тавротдан чиқариб ташлашган экан. Тавротни араб тилига ўгириб бўлганларидан сўнг Рум подшоҳи Ҳазрати Имомга кўп инъомлар берибди ва уни барча асир тушган мусулмонлар билан қўйиб юборибди⁷⁰.

Кўриниб турибдики, Қаффол Шоший Тавротнинг илк таржимонларидан экан. Бу ҳақда марҳум академик Ботурхон Валихўжаев шундай ёзган: «Биз Ҳақ таоло томонидан нозил қилинган муқаддас китоблардан бири бўлмиш Тавротнинг араб тилига таржималари тарихи билан қизиққанимизда бу иш X асрда амалга оширилгани ҳақида маълумотга эга бўлдик.

Демак, шайх Абу Бакр Муҳаммад Қаффоли Шоший ўз билимдонликлари билан аҳл ал-китобга беқиёс хизмат қилиб, ҳатто, мамлакатлар орасида юз бериши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш, кўплаб кишиларнинг асирликдан озод қилинишларига сабаб бўлганлар, инсонларнинг бир-бирига нисбатан бўлган самимий, дўстона муносабатларини мустаҳкамлаганлар»⁷¹.

Маълумки, Бағдод халифаларидан бири Шошда ариқлар қозиш учун давлат ғазнасидан маблағ ажратган. Гап шундаки, бу хайрли ишга халифанинг эътиборини Қаффол Шоший қаратган

⁷⁰ Мавлоно Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди, № 6114.– 34 а. варақ.

⁷¹ Қаранг: Валихўжаев Б. Абу Бакр Қаффол Шоший // «Мулоқот» журнали, 3-сон. 1997.

экан. Биз Қўқонлик Юсуфжон Маҳмудовнинг шахсий жавонида сақланаётган Хожа Муҳаммад Ҳакимхон қаламига мансуб «Мунтахаб ут-таво-рих» қўлёзмасида ушбу фикрнинг исботини топдик. Қўлёзманинг (қўлёзма саҳифалари рақами қўйилмаган) «Фаслул аввал», яъни, 1-фасл қисмида шундай жумлалар ёзилган: «Хулафои Аббосия замонида Ҳазрат Имом Абу Бакр Қаффол ҳаж қилмоққа бориб, яҳудий жамоасини мусулмонлар билан урушларига рўбарў бўлиб, жуҳудлар ғалаба қилиб, аҳли исломдан мазкур Ҳазрат Имом билан ўн минг кишини банди қилдилар. Мусулмонлардан суол (савол) қилдиларким: «Ичларингизда Таврот китобини ажам (ажам деганда иброний тилидан бошқа тилга – Н.М) тилига таржима қиладурган мулло киши борму?» – дедилар. Мазкур Ҳазрати Имомни кўргуздилар.

Аваллам маротаба Ҳазрати Имом яҳудийларнинг подшоҳи бирлан ўн минг бандини озод қилишни аҳд ва шарт қилиб, ажам тилига Тавротни шарифнинг таржимасини тамом қилиб берган. Сўнг шарт ва аҳдга вафо қилиб, ўн минг бандини бўшатиб, озод қилдилар.

Ўн минг асир халос бўлгони билан Ҳазрати Имом Бағдод халифасининг ҳузурига келиб кўп ҳурматлиг бўлиб, – мендан тиланг, деганида, бир нома тиладиларким, Тошкент шаҳрининг волийи, яъни, ҳокимининг номигаким, қадимги подшоҳлардан қолган ариқлар ботил бўлиб, Тошкент шаҳрига сув келмоғи машаққат бўлибдур. Имкони бўлса, ҳоким вилоят буйругингиз бўйича бош бўлиб, сувни жорий қилиб берса, – дедилар.

Нома ёзиб, бир юзу олтмиш минг танга Аббосий хазинасидан бердиларким, сув учун чиқиб ишлаганларга овқат бўлсин деб. Ҳазрати Имом мазкур танга билан номани келтуриб, ҳокими вилоятга бердилар.

Мазкур тарихий воқеа ва ривоятдан кўриниб турибдики, Қаффол Шоший ўзини етук дипломат сифатида ҳам кўрсата олган. Тавротни кўхна ивритдан араб тилига таржима қилган катта хизмати эвазига ўн минг мусулмон асирни озод қилинишига эришган. Ўз навбатида Қаффол Шошийнинг бу улкан хизмати халифа томонидан ҳам юксак қадрланган. Натижада халифа ажратган маблағ ҳисобига ўша даврда Шошда кўмилиб кетган анҳор ва ариқлар қайтадан кўз очган. Шунинг учун ҳам халқ уни Ҳазрати Имом – Ҳастимом деб улуғлаган.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Абу Бакр Қафғол Шоший ҳам диний, ҳам дунёвий билимлари ҳамда ўзининг улкан илмий, ижодий ва дипломатик фаолияти билан илм-фаннинг қатор соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган алломалардан саналади.

Абдулмалик ибн Муҳаммад Шоший, 37
Абу Саъд Абдулкарим Самъоний, 11, 16, 19
Ибн Халликон, 14, 15
Имом Бухорий, 10, 11, 25
Имом Мотуридий, 10
Имом Термизий, 10, 11
Ёқут Ҳамавий, 15
Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в), 12, 20, 22, 25, 35
Никифор Фоки, 37
Нил Лыкошин, 42, 43, 44
Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб Субкий, 13, 14, 15, 18, 31
Халифа Мутиълиллоҳ, 46
Хожа Убайдулло Аҳрор, 37, 38, 47
Хожа Муҳаммад Номий, 38, 39
Хожа Шаҳобиддин, 38
Хожа Маҳмуд, 38
Хожа Муҳаммад Ҳакимхон, 49, 50
Фахрудин Али Сафий, 38, 42
Шамсуддин Заҳабий, 11, 12

Антокия, 32 Шош, 10, 11, 40, 41, 42, 45
Бағдод, 32, 33, 34, 39, 40, Рай, 34
44, 45 Табриз, 41
Византия, 32, 33, 37 Қайравон, 36
Константинополь, 33, 37 Қуддус, 34
Урушшолим, 36

51

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший. Жавомий ал-калим (جوامع الكلم) қўлёзманинг фото нусхаси. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида В-977 рақам остида сақланади, 32 varaқ; (қўлёзманинг асли Дамашқдаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланади).
2. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний ал-Ансоб. (الانساب) – Байрут, 1980-82. 12 жилд.
3. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. ат-Таҳбир фи муъжам ал-кабир (التهجير في المعجم الكبير). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1408 ҳ.
4. Абдулкарим ибн Муҳаммад Рофийий Қазвиний. Тадвин фи ахбори Қазвин (التدوين في اخبار). – Байрут: Дор ал-кутуб алилмия, 1987. 4 жилд.
5. Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. (معجم البلدان) Байрут: Дор ал-фикр. 4 жилд.
6. Ибн Халликон. Вафоёт ал-аъён (وفيات الاعيان) – Байрут, 1998. 4 жилд. Б. 48.
7. Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб Субкий. Табақот аш-шофиъия ал-кубро (طبقات الشافعية الكبرى). Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999. 6 жилд.
8. Хайруддин Зирикли. ал-Аълом (لاعلام). – Дамашқ, 1954. 8 жилд.
9. Ҳожи Халифа (Мустафо ибн Абдуллоҳ ал-Қустантиний ар-Румий ал-Ҳанафий). Кашф аз-зунун (كشف الظنون). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.

10. Шамсуддин (Муҳаммад ибн Аҳмад) аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало (سير اعلام النبلاء). – Байрут. Муассасат ар-рисола, 1413 ҳ. 24-жилд.
11. CD-диск: ал-Мактабат алфия ли суннати набавия. Аммон: Турос электрон-тадқиқот маркази, 1999.
12. CD-диск: Мактабат ал-фиқҳи ва усулиҳи. Аммон: Турос электрон-тадқиқот маркази, 1999.
13. Мавлоно Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзма. Инв. № 6114. – 225 varaқ.
14. Носиров А. Тошканд олимлари ва шоирларига оид материаллар. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзма. Инв. № 13408. – 620 varaқ.
15. Юсуфжон Маҳмудов (Қўқон)нинг шахсий қўлёзмаси. Хожа Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих.
16. Алимов У. Ҳазрати Имом. – Т.: Мовароуннаҳр, 2013.
17. Бобохонов Ш. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. 265 б.
18. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. [Отв. редактор С. Прозоров]. Москва: Восточная литература, 2000. Вып. 2.
19. Ирисов А. Қаффол аш-Шоший // Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б. 84-86.
20. Лыкошин Н. Помяните первоучителя // Народный университет. 1918, № 9. С. 1.
21. Маннонов Б. Қаффол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи. -2004. № 4. – Б. 25-34.
22. Мухамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. Монография. – Т. : «Тош-

кент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

23. Нодирхон ибн Алоуддин. Абу Бакр Қаффол Шоший ва унинг фаолияти // Совет шарқи мусулмонлари. -1971, -№ 3-4. Б. 9-11.

24. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи / Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. Тошкент: Мовароуннаҳр, 1995.

25. Уватов У. Буюк юрт алломалари . – Т.: Ўзбекистон, 2016. -424 б.

26. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнилҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний ва Б.Умрзоқ. – Т.:Абу Али ибн Сино, 2004.

27. Яминов А. Қаффол аш-Шоший ўрта аср араб манбаларида // Шарқшунослик. 2004. № 12. Б. 76-77.

АННОТАЦИЯ

к книге «История Хастимам – Абу Бакра Каффаль Шаши», Мухамедова Неъматулло Асатуллаевича, кандидат исторических наук, доцент Международной Исламской Академии Узбекистана

На протяжении веков исламские традиции способствовали формированию особой мусульманской культуры в Центральной Азии, переплетаясь с богатым культурным наследием народов этого региона. В свою очередь, это отразилось на духовной жизни общества и оставило значительный след в развитии различных наук. Особое место в данных исторических процессах занимал Узбекистан и его города Бухара, Самарканд, Насаф, (Карши), Термез, Хива, Шаш (Ташкент) и др., прославившиеся во всем мусульманском мире, как ведущие научно-культурные центры.

В средневековых источниках город Ташкент именовался Шаш. Именно отсюда вышли многие учёные, деятельность которых было тесно связано с такими исламскими науками, как фикх, хадисоведение и др. К именам ученых родившихся и творивших в Ташкенте, которые внесли вклад в развитие исламских наук добавляли нисбу (приставку) «*Шаши*» или позднее (с XVI века) «*Ташканди*», и с этими именами они стали известны всему мусульманскому миру.

Известно, что в средние века в оазисе Шаш, жили и творили свыше 100 учёных в области исламских наук. К их числу относятся Абу Саид Хайсам ибн Кулайб Шаши (ум. 947), известный как достоверный мухаддис, Абу Бакр Каффал Шаши (904 – 977), который был удостоен чести называться «Хазрат Имам» (Святой имам), а также Абу Бакр Мухаммад ибн Ахмад Шаши (1038 – 1114), удостоившийся почётных званий «Фахр ул-ислам» (Гордость ислама) и «аль-Имам аль-кабир» (Великий Имам).

В исламском мире, наряду с Имамом аль-Бухари, ат-Термизи, аль-Матуриди, которые удостоились звания «Имам» особое место занимает и Имам Абу Бакр Каффал Шаши (904 – 977). Современники с уважением называли его «Хазрат Имам».

Его полное имя Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмаил Каффал Шаши. В арабских источниках в знак уважения и почёта к его имени добавляется слово «Кабир», означающее «большой», «великий». Первоначально он был искусным ремесленником, изготавливавшим замки, поэтому впоследствии его профессия стала приставкой к имени «Каффал», т.е. «выделывающий замки», «замочник».

Первые знания Каффал Шаши получил в своем городе, затем обучался в Самарканде, Бухаре, Термезе и здесь познакомился с трудами Имама Бухари и Имама Термизи.

В поисках знаний, он путешествовал по странам Ближнего и Среднего Востока, обучался у самых крупных ученых Багдада, Куфы, Дамаска. Как сказано в источниках, знания по фикху он получил у Ибн Сурайджа. В области истории его учителем был сам Абу Джаъфар Мухаммад ибн Джарир Табари (ум.923), известнейший учёный, знаток Корана (муфассир). Ещё одним его настав-

ником был известный богослов Абул Хасан Али ибн Аби Муса Ашъари (ум. 935).

Известный историк Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад Самъани (1113 – 1167) в своем труде «Китаб ал-ансаб» («Книга генеалогий») писал о нем следующее: *«Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмаил Каффал Шаши был родом из Шаши, получил известность как замочник. Он был Имамом своего времени, а также незаменимым и несравненным учёным в таких областях исламских наук, как фикх, хадис, основы фикха (усул), языкознание. Имя Каффал Шаши известно и в Магрибе и в Маширике».*

Научная деятельность Каффала Шаши привлекала внимание не только восточных учёных, но и ученых Запада. Например, известный немецкий востоковед К.Броккельман, великий русский востоковед В.Бартольд, Нил Лыкошин а также, наш современник д.и.н. С.Прозоров дали высокую оценку наследию Хазрат Имама.

Имам Каффал Шаши является автором многих произведений посвященных вопросам исламского права (фикх), диалектики и истории ислама и хадисоведения. В частности к ним относятся: «Жадал ал-хасан» («Прелесть и красота диалектики»), «Китаб фи усул фикх» («Книга основ фикха»), «Шарх ар-рисала» («Комментарий к труду»), «Джавамиъ ал-калим» («Сборник мудрых изречений»), «Адаб ал-Казии» («Поведение Казия»), «Далаил ан-нубувват» («Доказательства пророчества»), «Махасин аш-шариъа» («Прелести шариата»). Рукопись книги «Джавамиъ ал-калим» хранится в сирийской библиотеке «Захирийя», фотокопия данной рукописи была привезена в 1970 году в Узбекистан муфтием Зийауддинхан ибн Ишан Бабаханом. Сейчас она хранится в библиотеке Управления мусульман Узбекистана в Ташкенте.

Мавзолей и комплекс Имама Каффала Шаши находится на территории Ташкента, называемой «Старым городом» и является местом поклонения мусульман. В народе его называют «Хастимам».

“Хастимам” – это сокращенная форма от слова “Хазрат Имам”. Известно, что комплекс Хастимам является одним из самых древних и религиозно-просветительских, научно-культурных центров Ташкента.

В данной книге, опираясь на арабские источники, изучена жизнь и научная деятельность Каффала Шаши. Кроме того, описывается и его известное произведение «Джавамиъ ал-калим» («Сборник мудрых изречений»), которое несет в себе просветительский и дидактический характер. В ней Каффал Шаши лаконично и кратко описывает достоверные хадисы (сахих), используя не только заповеди ислама, но и изречения, относящиеся к воспитанию, обучению, просвещению, поведению людей и т.д. Не лишена книга ценных и редких афоризмов, которые широко использовались людьми, что в свою очередь обеспечивало широкое и ускоренное распространение хадисов среди масс.

Следует отметить, что в книге подробно описывается два исторических обстоятельства, раскрывающих дипломатическую деятельность Каффала Шаши.

В частности, описывается переписка Шаши с византийским императором, в которой он удивляет византийцев своим прозаичным ответом. Второй случай повествует о его переводе Торы со староивритского на арабский язык. Этим Каффал Шаши получил высочайшее признание и авторитет во всем мусульманском Востоке.

SUMMARY

to the book “History of Hastimam - Abu Bakr Kaffal Shashi”, Muhamedov Nematullo Asatullaevich, PhD in history, associate professor of the International Islamic Academy of Uzbekistan

For centuries, Islamic traditions have contributed to the formation of a special Muslim culture in Central Asia, interwoven with the rich cultural heritage of the peoples of this region. In turn, this affected the spiritual life of society and left a significant mark on the development of various sciences. Uzbekistan and its cities Bukhara, Samarkand, Nasaf, (Karshi), Termez, Khiva, Shash (Tashkent) and others, which became famous in the whole Muslim world as leading scientific and cultural centers, occupied a special place in these historical processes.

In medieval sources, the city of Tashkent was called Shash. It was from here that many scientists came out whose activities were closely connected with such Islamic sciences as fiqh, hadithology, etc. According to the tradition, before the names of scientists born in Tashkent and contributed to the development of the Islamic sciences was added nisba (prefix) “Shashi” or later (from the 16th century) “Tashkandi”, and with these names they became known to the entire Muslim world.

It is known that in the Middle Ages in the Shash oasis lived and created over 100 scientists in the

field of Islamic sciences. These include Abu Sayyid Haysam ibn Kulayb Shashi (died 947), known as the authentic muhaddis, Abu Bakr Kaffal Shashi (904 – 977), who was honored to be called “Hazrat Imam” (Holy Imam), as well as Abu Bakr Muhammad ibn Ahmad Shashi (1038-1114), who was awarded the honorary titles “Fahr ul-Islam” (Pride of Islam) and “al-Imam al-kabir” (Great Imam).

In the Islamic world, along with Imam al-Bukhari, at-Termizi, al-Maturidi, who received the title of “Imam”, Imam Abu Bakr Kaffal Shashi (904-977) takes a special place. Contemporaries respectfully called him “Hazrat Imam”.

His full name is Abu Bakr Muhammad ibn Ali ibn Ismail Kaffal Shashi. In Arab sources, the word “Kabir”, meaning “big,” “great,” is added to his name as a sign of respect and honor to his name. Initially, he was a skilled craftsman who made locks, so later his profession became a prefix to the name “Kaffal”, ie. “Casting locks”, “locker”.

Kaffal Shashi received his first knowledge in his city, then studied in Samarkand, Bukhara, Termez and got acquainted with the works of Imam Bukhari and Imam Termizi.

In search of knowledge, he traveled to the countries of the near and Middle East, studied with the biggest scientists of Baghdad, Kufa, and Damascus. As it is said in the sources, he obtained knowledge of fiqh from Ibn Suraj. In the field of history, from Abu Ja’afar Muhammad ibn Jarir Tabari (died 923), who is considered the most famous scholar, interpreter of the Koran (mufasssir). Another of his mentors was the famous theologian Abul Hasan Ali ibn Abi Musa Ash’ari (died 935).

The well-known historian Abu Sa’d Abdulkarim ibn Muhammad Samani (1113-1167) in his Kitab

al-ansab (The Book of Genealogies) wrote followings about him: “Abu Bakr Muhammad ibn Ali ibn Ismail Kaffal Shashi was born in Shash, gained fame as a padlock. He was the Imam of his time, and also an indispensable and incomparable scientist in such fields of Islamic sciences as fiqh, hadith, the foundations of fiqh (usul), and linguistics. The name of Kaffal Shashi is known both in the Maghreb and in Mashriq. “

The scientific work of Kaffal Shashi attracted the attention of not only Eastern scholars, but also scientists of the West. For example, the famous German Orientalist K.Brokkelman, the great Russian Orientalists V.Barthold, Neil Likoshin, and our contemporary S.Prozorov highly appreciated the heritage of Hazrat Imam.

Imam Kaffal Shashi is the author of many works dedicated to the issues of Islamic law (fiqh), dialectics and the history of Islam and hadith. In particular, they include: “Jadal al-Hasan” (“The beauty and beauty of dialectics”), “Kitab Fi Usul Fiqh” (The Book of Fundamentals of Fiqh), “Sharh ar-risala” (“Commentary on Labor”), Javami al-Kalim (Collection of Words), Adab al-Qazi (Behavior of Kaziah), Dalail al-Nubuvvat (Proofs of Prophecy), Mahasin Ash-Shariyah (The Precious Shariah). The manuscript of the book “Javami al-Kalim” is kept in the Syrian library “Zahiriya”, a photocopy of this manuscript was brought to Uzbekistan in 1970 by the Mufti Ziyauddinhan ibn Ishan Babakhan. Now it is stored in the library of the Muslim Board of Uzbekistan in Tashkent.

The mausoleum of Imam Kaffal Shashi is located on the territory of Tashkent, called the “Old City” and is a place of worship of Muslims. Among the people it is called “Hastimam”.

“Hastimah” is an abbreviated form from the word “Hazrat Imam”. It is known that the complex Hastimam is one of the oldest religious-educational, scientific and cultural centers of Tashkent.

In this book, relying on Arabic sources, the life and scientific work of Kaffal Shashi has been studied. In addition, his well-known work “Javami al-Kalim” (“Collection of wise sayings”), which carries an educational and didactic character, is also described. In it, Kaffal Shashi succinctly and briefly describes authentic hadith (saheeh), using not only the commandments of Islam, but also sayings related to upbringing, education, enlightenment, behavior of people, etc. The book was enriched with valuable and rare aphorisms that were widely used by people, which in turn ensured a wide and accelerated spread of hadith among the masses.

It should be noted that the book describes in detail two historical circumstances that reveal the diplomatic activities of Kaffal Shashi.

In particular, the correspondence of Shashi with the Byzantine emperor, in which he surprises the Byzantines with his prosaic answer. The second case tells of his translation of the Torah from Old-Hebrew into Arabic. Because of this, Kaffal Shashi received the highest recognition and authority in the entire Muslim East.

МУНДАРИЖА

БУЮК ИМОМ ҲАҚИДА СЎЗ	3
МУҚАДДИМА	6
АБУ БАКР ҚАФҒОЛ ШОШИЙ ҲАЁТИ ВА ҲАОЛИЯТИ	10
ҚАФҒОЛ ШОШИЙНИНГ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ	14
«ЖАВОМИЪ АЛ-КАЛИМ» АСАРИ ҲАҚИДА	22
Ислоҳ – маърифат ва эзгулик дини	27
Одоб-ахлоқ – инсоний фазилатлар негизи	29
Жаҳолатга қарши маърифат	30
ҚАФҒОЛ ШОШИЙНИНГ ДИПЛОМАТИК ҲАОЛИЯТИ	31
Биринчи тарихий воқеа – «Усмон Мусҳафи»нинг Тошкентга келтирилиши	31
Иккинчи тарихий воқеа – Қафғол Шоший «Таврот»нинг таржимони	46
ТАРИХИЙ ШАХСЛАР КЎРСАТКИЧИ	51
ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	52
АННОТАЦИЯ	55
SUMMARY	59

Илмий-маърифий нашр

НЕЪМАТУЛЛО МУҲАМЕДОВ

ҲАСТИМОМ – АБУ БАКР
ҚАФФОЛ ШОШИЙ ТАРИХИ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир
Нигора УМАРҚУЛОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2018 йил 18.05 да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 2,0. Шартли босма тобоғи 3,36.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 5 000 нусха. Буюртма № 67.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60.

Мурожаат учун телефолар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 397-10-87; 128-78-43;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru